2007 йил — Ижтимоий ҳимоя йили

16 (566)

2007 йил 18 апрель

Чоршанба

ҲАР КИМ САВОБ ИШ ҚИЛСИН, ҲАР КУН САВОБ ИШ ҚИЛСИН!

Mahalla

Газета 1996 йил январь ойидан чиқа бошлаган

Ўзбекистон Оқсоқоллар кенгаши, «Маҳалла» жамғармасининг республика нашри

Чоршанба кунлари чиқади

2
- Германиялик хоним — Самарқанд қизи
- Чиқиндини ёқиб, умрингизни совурманг!

3
- А.Қаҳҳордан қолган 3000 дурдона...
- Саньаткорга капгир эмас, соз ярашади!

4
- Курраи мужассама — Юсуф Мирфаёз глобуси
- Дўппидан қизил қалпоқча афзалми?

ПРЕЗИДЕНТ МИСРГА ЖЎНАБ КЕТДИ

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов 17 апрель куни расмий ташриф билан Миср Араб Республикасига жўнаб кетди. Давлатимиз раҳбари сафар олдидан Тошкент аэропортида оммавий ахборот воситалари вакилларига интервью берди.

— Қадимий маданият ва давлатчилик марказларидан бири бўлган Миср Араб Республикаси ўз минтақасидаги юксак иқтисодий, сиёсий ва ҳарбий-техник салоҳиятга эга мамлакатлардан, — деди Ислом Каримов. — Миср араб давлатлари орасида биринчи бўлиб Ўзбекистон мустақиллигини тан олган, мамлакатимиз билан дипломатик муносабатлар ўрнатган ҳамда юртимизда ўз элчихонасини очган.

Мамлакатларимиз ўртасида турли даражада йигирма тўртта ҳужжат имзоланган. Икки давлат расмий делегацияларининг ташрифлари асносида ҳамкорликнинг ҳуқуқий асоси мустаҳкамланмоқда.

Давлатимиз раҳбари Қоҳирада ўтажак учрашувлар чоғида Ўзбекистон—Миср ҳамкорлигини кенгайтиришга оид масалалар, халқаро аҳамиятга молик долзарб муаммолар муҳокама этилиши кўзда тутилаётганини таъкидлади.

— Алоқаларни юқори босқичга кўтаришга бўлган интилиш икки томонда ҳам кучли, — деди Президентимиз. — Бироқ ўзаро савдо-иқтисодий ҳамкорликнинг бугунги аҳволи икки томонни ҳам қониқтирмайди. Шу боис Миср раҳбарияти билан мулоқотларда ушбу масалаларга алоҳида эътибор қаратилади. Чунки, бу йўналишдаги ҳамкорликни янада ривожлантириш мамлакатларимиз манфаатларига тўла мос келади.

Ўзбекистон ҳам, Миср ҳам қадимий ва бой тарихга эга. Мамлакатларимиз ўртасида савдо-иқтисодий соҳалар билан бир қаторда ижтимоий соҳаларда ҳам алоқалар йўлга қўйилган. Давр мазкур соҳалардаги ҳамкорликни ҳам янада ривожлантириш ва мустаҳкамлашни талаб қилмоқда.

Музокаралар якунлари бўйича ўзаро ҳамкорликка доир қатор икки томонлама ҳужжатлар имзоланиши мўлжалланмоқда.

Президентимизнинг ушбу ташрифи Ўзбекистон билан Миср ўртасида барча соҳалардаги ҳамкорлик алоқаларини кенгайтириш ва янги босқичга кўтаришга хизмат қилиши, шубҳасиздир.

ЎзА

— Яна нима дейсиз?
— Боксда гап бўйда эмас, дастда экан, дейман.

Шу кунларда бутун Ўзбекистон халқи юртдошимиз Руслан Чагаев эришган улкан ғалабани мамнуният билан нишонламоқда.



ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ ФАРМОНИ

Р.Ш.Чагаевни "Буюк хизматлари учун" ордени билан мукофотлаш тўғрисида

Профессионал бокс бўйича ўта оғир вазн тоифасида жаҳон чемпиони унвонини қўлга киритиб, мардлик ва жасорат намунасини намоён этгани, мамлакатимизнинг халқаро майдондаги обрў-эътибори ва нуфузини ошириш, унинг шуҳратини бутун дунёга тараннум этиш, ёш авлодни Ватанга муҳаббат ва садоқат руҳида тарбиялаш, ўзбек бокс мактаби анъаналарини янада юксалтиришга қўшган улкан ҳиссаси учун Руслан Шамилович Чагаев "Буюк хизматлари учун" ордени билан мукофотлансин.

Ўзбекистон Республикаси Президенти И.КАРИМОВ

Тошкент шаҳри,
2007 йил 17 апрель

Бир шер чиқди ЎЗБЕКИСТОНдан!

Титраб қолди муштлар зарбидан,
Дунё қалқиб турди оёққа.
Зарба кўчди ўқлон қалбидан,
Рўйи замин тушди титроққа.

Ифтихорга тўлди юрагим,—
Ҳеч камим йўқ душману дўстдан.
Ўзбекистон байроғин баланд,
Кўтарганда ҳамюртим Руслан.

Аждодларнинг руҳи қўллади,
Соғинч меҳри уйғониб жондан.
Дуо олиб Юртбошимиздан,
Бир шер чиқди Ўзбекистондан.

Ғурур учун туғилган бу мушт,
Соҳибқирон авлодига хос.
Ўзбек деган улуғ бир халқнинг,
Қудратини кўрсатгани рост.

Ахтамқул КАРИМ.

Сариосиё тумани Шотирут қишлоғи.

Андижон вилояти

ҚЎШАРИҚда оламшумул ШОДИЁНА

Унинг ғалабаси нафақат Ўзбекистон халқининг кўксини тоғдек кўтарди, бутун дунё бокс ишқибозларини ҳайратга солди.

Андижон шаҳрининг Руслан туғилиб-ўсган Қўшариқ даҳаси аҳолисининг қувончи айниқса чексиз. Даҳадаги 9-сон маҳалла фуқаролар йиғини раиси Январхон Ҳошимова шундай дейди:

— Даҳамизда ўн беш мингдан зиёд аҳоли яшайди. Уларнинг ҳаммаси Русланнинг жангини интизорлик билан кутди. Маҳалламиздаги ёшу қари ихлосмандлар маънавият-маърифат хонасидаги телевизорни ҳовлига қўйиб, учрашувни катта қизиқиш билан томоша қилдик. Ҳаммамиз Русланнинг ғалабасига астойдил ишонган эдик. Шу боис, учрашув ғалаба билан якунлангач, маҳалладошлар ҳолатини кўрганингизда эди. "Руслан ютди! Руслан ғалабага эришди!" дея чорратофга жар солиб, бир-биримизни муборакбод этдик. Қани энди шу маҳалда бировнинг кўзига уйқу келса. Тонгга қадар ҳам хурсандчилик қий-чувлари тинмади. Қувонарлиси, бугун Русланнинг минглаб издошлари бор. Маҳалламиз яқинида қурилган Олимпия заҳиралари спорт коллежида кўплаб ёшларимиз ўз маҳоратларини оширмоқда. Маҳалламизда бокс, енгил атлетика, шахмат-шашка ва бошқа тўгараклар ишлаб турибди.

Дарҳақиқат, Германиянинг Штутгарт шаҳрида бўлиб ўтган учрашувда Русланнинг дунёнинг энг кучли боксчиларидан бири ҳисобланган Николай Валуев устидан қозонган ғалабаси маҳалладаги ҳар бир инсонни фахр ва ифтихор ҳиссларига тўлдирди.

— Руслан мана шу биз яшаётган 18-кўпқаватли уйда туғилиб ўсган, — дейди қўшниси Абдуллажон Аҳмедов. — Унинг жангларини кўплаб кузатганмиз, ғалаба нашидасини ҳам такрор-такрор сурганмиз. Аммо бу галги ғалаба тарихий бўлди, чунки у ўзига нисбатан ҳам бўйда, ҳам оғирликда катта фарқ қилган, россиялик гигант рақиби устидан ғалабага эришди. Хўш, бунга қойил қолмай бўладими? Маҳалламиздаги ёшларнинг деярли ҳар бири спорт билан шуғулланади. Бунга Русланнинг эришаётган ютуқлари ҳам сабабчи. Мана менинг ўғлим Ғайратжон ҳам Руслан билан бирга машқ қилган, ҳозир анча тажрибали боксчи бўлиб қолди ва рейтинг жангларига ҳозирлик кўрмоқда.

Жаҳон бокс биринчилиги жанги ўтказилаётган муҳташам сарой — "Порше-арена"да ҳамюртимиз Русланнинг "Оқ Тайсон" деб эълон қилиниши минглаб мухлислар қатори олис Андижонда ойнаи жаҳон қаршисида ўтирган опаси Луизани тўлқинлантириб юборди.

— Оиламизнинг барча аъзолари Русланнинг ғалабасига астойдил ишонганмиз, — дейди у. — Чунки Руслан бу учрашувга жиддий тайёргарлик кўрган эди.

Жанг бошланишидан аввал Русланга кўнгироқ қилиб, мухлислари, маҳалладошлари, дўсту ёрлари саломини етказдим, муваффақият тиладим. Жангдан сўнг ўзи телефон қилди. У ана шундай палаларда олисдан туриб бўлса ҳам, қўллаб-қувватлаб тургани учун халқимизга чексиз миннатдорчилик билдирди ва ғалабадан сўнг Ўзбекистонга боришни жуда ҳам истаётганини, тез кунларда қайтишини айтди. Шундан кейин Республикамизнинг турли ҳудудларидан, ҳатто хориждан кетма-кет кўнгироқлар тинмади. Бир томондан маҳаллада мушакбозлик тўхтамади...

Мана, Русланнинг оламшумул ғалабаси ҳақида эшитганимизга, гувоҳ бўлганимизга бир неча кун бўлди. Бироқ ҳамон қалбимизни ҳаяжон, қувонч, фахру ифтихор туйғулари тарк этгани йўқ. Зеро, бу нафақат бугуннинг, балки эртанинг ҳам ютуғи, тарихий ғалаба!

Узоқбой САКСОНБОЕВ,
"Mahalla" мухбири.

Чемпионга сўзимиз...

ДУОЛАР ИЖОБАТ БЎЛДИ

Телеэкран орқали хонадонимиз аъзолари билан бир қаторда ҳамюртимиз Руслан Чагаевнинг жангини томоша қилиб ўтирар эканман, бир она сифатида кўнглимда фахр уйғонди. Русланнинг ғалабасини оиламиз эркаклари қийқириқлар билан, бир-бирларини қучоқлаб қарши олишар экан, беихтиёр кўзларимдан қувонч ёшлари оқди. Қалбимда ғурур уйғонди.

Николай Валуевнинг ўз мағлубиятини тан олиши бутун Ўзбекистон оналарининг юрагини тўлқинлантириб юборди.

Бундан бир неча йил олдин ҳаваскорлар ўртасида бокс бўйича мусобақаларда ғолиб бўлган, давлатимиз раҳбарининг олқишини олган Руслан ўшанда "Мени ота сифатида дуо қилинг", дея сўраган, унга жавобан эса залда ўтирганлар билан бирга Президентимиз Ислом Каримов уни дуо қилган ва навбатдаги ғалабаларга омад тилаган эдилар. Мана дуолар ижобати улуғ: ўша самимий тилаклар рўёбга чиқди. Руслан Юртбошидан олган дуосини оқлади. Эл ишончини қозонди.

Ана шуларни кўнглимдан ўтказар эканман, нафақат мен, балки бутун бир Ўзбекистон аёллари, Руслан, сени онанг ўрнида дуо қиламиз. Илоҳим, дуолар сени қўлласин. Ўзбекистон, унинг халқи шаънини ҳимоя қилувчи курашингни бутун ўзбек оналари ҳам сабрсизлик билан кутди. Руслан, азиз ўғлоним, сен Ўзбекистон номини дунё саҳнига олиб чиқар экансан, ўз ортингдан юрагида Ватан деб ёнганларни, эртанги кун учун фидойи бўлганларни эргаштир.

Бу ютуқларинг сени янада қувончли зафарларга элтиб борсин!

Ҳанифа ЗОКИРОВА,
Республика хотин-қизлар қўмитаси матбуот хизмати раҳбари.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг мажлиси тўғрисида ахборот

2007 йил 17 апрель куни республика ҳукуматининг мажлиси бўлиб ўтди. Мажлисда 2007 йилнинг биринчи чорагида мамлакатни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш якунлари ҳамда 2007 йилга мўлжалланган иқтисодий ислоҳотларнинг энг муҳим устувор вазифалари бажарилишини сўзсиз таъминлаш чора-тадбирлари атрофлича муҳокама қилинди. Мажлисни Ўзбекистон Республикасининг Бош вазири Ш.Мирзиёев олиб борди.

Мажлисда қайд этилганидек, Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримовнинг 2007 йил 12 февралда ҳукумат мажлисидаги маърузасида белгилаб берилган 2007 йил иқтисодий дастурининг энг муҳим устувор вазифалари амалга оширилиши, шу жумладан ишлаб чиқаришни модернизация қилиш, техник ва технологик жиҳатдан янгилаш, солиқ сиёсатини янада эркинлаштириш, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни жадал ривожлантиришни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш, шу асосда аҳолини иш билан таъминлаш ва одамлар фаровонлигини ошириш муаммоларини ҳал этиш, хорижий инвестицияларни жалб этиш борасидаги ишларни барча чоралар билан кучайтириш бўйича вазифаларнинг амалга оширилиши иқтисодиётда ижобий таркибий ўзгаришларни ҳамда макроиқтисодий ва тармоқлар ривожланишида юқори кўрсаткичларга эришилишини таъминлади.

Давоми 2-саҳифада

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ ҚАРОРИ

Ўзбекистон олий таълим муассасалари талабаларининг "Универсиада — 2007" спорт мусобақаларини ташкил этиш тўғрисида

Мамлакатимиз олий таълим муассасалари талабалари ўртасида соғлом турмуш тарзи муҳитини янада мустаҳкамлаш, уларнинг спорт билан мунтазам шуғулланиши учун замон талабларига мос шарт-шароитларни яратиш, спорт мусобақалари орқали ёшларнинг иродаси, ўз кучи ва имкониятларига бўлган ишончини, мардлик ва ватанпарварлик, она юртга садоқат туйғуларини камол топтириш, мусобақалар муносабати билан ўтказиладиган маданий-маърифий тадбирлар самарасини ошириш мақсадида:

1. Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, Маданият ва спорт ишлари вазирлиги ва Миллий Олимпия қўмитасининг "Универсиада-2007" спорт мусобақаларининг Тошкент шаҳрида бўлиб ўтадиган якуний босқичини 2007 йил июнь ойининг учинчи ўн кунлигида "Ёшлик" талабалар шаҳарчаси, Ўзбекистон Ташқи иқтисодий фаолият миллий банки ҳамда Тошкент темир йўл муҳандислари институти спорт мажмуаларида ўтказиш тўғрисидаги таклифи қабул қилинсин.

2. "Универсиада-2007" спорт мусобақаларини Тошкент шаҳрида ўтказиш дастури (1-илова) ва ташкилий қўмита таркиби (2-илова) тасдиқлансин.

3. Ташкилий қўмита:

10 кун муддатда "Универсиада-2007" спорт мусобақаларини ўтказиш учун тегишли сарф-харажатлар сметасини ишлаб чиқиб, унинг молиявий манбаларини белгилашда мазкур мусобақаларни ўтказиш билан боғлиқ харажатлар давлат бюджети, Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги ҳамда Тошкент шаҳар ҳокимлиги томонидан қопланишини назарда тутсин;

"Универсиада-2007" спорт мусобақалари харажатларининг бир қисми Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг Олий таълим муассасаларини ривожлантириш жамғармаси маблағлари ҳисобидан молиялаштирилишига рухсат берилсин;

корхона ва ташкилотлар, юридик ва жисмоний шахсларнинг "Универсиада-2007" спорт мусобақаларини ўтказишга ҳомийлик қилиш ҳақидаги таклифлари маъқуллансин;

"Универсиада-2007" спорт мусобақалари учун қурилаётган ва реконструкция қилинаётган спорт иншоотларидаги қурилиш-монтаж ишларини жадаллаштириш мақсадида пудратчи ташкилотларнинг аниқ иш ҳажмлари ва уларни бажариш муддатларини белгиласин;

барча тадбирлар, жумладан, мусобақалар ўтказиладиган спорт иншоотларининг халқаро талаблар даражасида тайёрланиши ва замонавий спорт анжомлари билан жиҳозланиши ҳамда тадбирлар ўтадиган жойларни ободонлаштириш ишларини жорий йилнинг 15 июнига қадар тугатишни таъминласин.

4. Ўзбекистон Республикаси Маданият ва спорт ишлари вазирлиги, Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, "Ўзбекнаво" эстрада бирлашмаси Тошкент шаҳар ҳокимлиги билан биргаликда "Универсиада-2007" спорт мусобақаларининг тантанали очилиш ва ёпилиш маросимлари юксак савияда ўтишини ташкил этсин.

5. Тошкент шаҳар ҳокимлигига:

спортчи талабаларни мусобақалар ўтказиладиган масканлар ва яшаш жойларига олиб борадиган йўналишларни белгилаб, шу йўналишлар бўйича таъмирлаш-ободонлаштириш ишларини амалга ошириш;

"Тошшаҳартрансхизмат" уюшмаси билан биргаликда спортчи талабаларни белгиланган манзилларга етказиш учун техник кўрикдан ўтган транспорт воситаларини жалб этиш;

шаҳар кўчаларини "Универсиада-2007" спорт мусобақаларини тарғиб қилишга қаратилган кўргазмали воситалар билан безатиш;

Тошкент темир йўл вокзалида спортчи талабаларни тантанали кутиб олиш ва кузатишни ташкил этиш вазифалари топширилсин.

6. Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги мусобақалар иштирокчиларини тиббий кўрикдан ўтказиш, мусобақалар даврида тез тиббий хизмат кўрсатиш, дам олиш ва овқатланиш жойларида санитария-гигиена талабларига қатъий риоя этилишини алоҳида назоратга олсин.

7. "Ўзбекистон темир йўллари" компанияси, Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги буюртмасига мувофиқ, мусобақалар иштирокчилари йўл харажатлари учун имтиёзли тўлов тарифларини қўллашни назарда тутсин.

8. Республика "Ватанпарвар" ташкилоти Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси, Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, Тошкент шаҳар, Тошкент вилояти ҳокимликлари, Соғлиқни сақлаш ҳамда Ички ишлар вазирликлари билан биргаликда «Қуёш физикаси» илмий-ишлаб чиқариш бирлашмасида универсиада машъаласини ёқиш ва уни Тошкент шаҳрига етказиш билан боғлиқ барча ташкилий-хавфсизлик тадбирларини амалга оширсин.

9. Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги, тегишли ваколатли ташкилотлар билан биргаликда, "Универсиада-2007" мусобақалари давомида тадбирлар ўтадиган жойларда жамоат ва транспорт ҳаракати хавфсизлигини таъминласин.

10. Ўзбекистон Миллий ахборот агентлиги, Ўзбекистон Миллий телерадиокомпанияси ва бошқа оммавий ахборот воситаларига "Универсиада-2007" мусобақаларига тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш жараёнини кенг ёритиш тавсия этилсин.

11. Мазкур қарорнинг бажарилишини назорат қилиш Ўзбекистон Республикасининг Бош вазири Ш.Мирзиёев зиммасига юклансин.

Ўзбекистон Республикасининг Президенти И.КАРИМОВ

Тошкент шаҳри,
2007 йил 16 апрель

Mahalla

Ўзбекистон Республикаси матбуот ва ахборот Агентлигида 0019 рақами билан рўйхатга олинган.

Нашр кўрсаткичи: 148

Хомий: «Матбуот тарқатувчи» ҳиссадорлик жамияти

Таҳририят манзили: Тошкент, Матбуотчилар, 32-уй

www.mahalla.uz
Газета сайтида материаллар ўзбек (лотин графикасида) ва рус тилида берилмоқда.

E-mail: mahalla.gz@rambler.ru

Телефонлар:
Қабулхона — 136-53-93
Тел/Факс: — 133-44-25
Масъул котиб: 136-53-75
Хатлар бўлими: 136-57-62

«M.R» — белгиси остида реклама-тижорат мақолалари берилади.

Муассислар:
Ўзбекистон «Маҳалла» хайрия жамғармаси республика бошқаруви, «Mahalla» газетаси таҳририятининг меҳнат жамоаси.

Азиз муштарий! «Mahalla»га 2007 йилнинг қолган муддати учун обуна давом этмоқда. Шошилинг! Йўқотилган кун учун ачинишдан кўра эртанги кун учун қайғурган афзал.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг мажлиси тўғрисида ахборот

(Давоми. Аввали 1-саҳифада)

Чунончи, жорий йилнинг биринчи чорагида ялпи ички маҳсулотнинг ўсиши 9,1 фоизни ташкил қилди. Саноат ишлаб чиқариши ҳажмлари 12,0 фоизга, қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари — 5,5 фоизга, қурилиш – 12,8 фоизга, чакана товар айланмаси — 16,5 фоизга ва пулли хизматлар кўрсатиш — 25 фоизга кўпайди. Давлат бюджетининг ижроси 1,7 фоиз миқдоридаги профицит билан таъминланди, инфляция даражаси 2,9 фоизни ташкил қилди ва прогноздаги параметрлардан ошмади. Ташқи савдо айланмаси барқарор равишда юқори суръатлар билан ўсмоқда, экспорт кўрсаткичлари 21,1 фоизга кўпайди. Ташқи савдо ижобий сальдоси қарийб 600 миллион АҚШ долларини ташкил қилди.

Ўзлаштирилган инвестициялар ҳажми ўтган йилнинг шу давридагига нисбатан 36,4 фоизга кўпайди. Тўғридан-тўғри хорижий инвестициялар 47 фоизга, корхоналарнинг ўз маблағлари ҳисобига инвестициялар 16 фоизга ўсди.

Биринчи чорак мобайнида 43 та йирик инфратузилма ва ишлаб чиқариш объектлари фойдаланишга топширилди, шу жумладан 7 та тўқимачилик корхонаси, турли хил қурилиш материаллари ишлаб чиқариш қувватлари, Тошгузар-Бойсун-Қумқўрғон янги темир йўлининг Тошгузар-Деҳқонобод участкаси ва шу кабилар ишга туширилди. Ўзбекистон Республикаси Тикланиш ва тараққиёт жамғармаси маблағлари ҳисобига биргаликда молиялаштирилаётган полиметалл рудаларни қазиб чиқариш ва қайта ишлаш, газ конларида қўшимча сиқувчи компрессор станциялари ўрнатиш каби йирик лойиҳаларни амалга ошириш бошланди. Минерал ўғитлар ишлаб чиқариш бўйича иккита корхонада Киото протоколининг Соф ривожлантириш механизмидан фойдаланган ҳолда республикада биринчи лойиҳа амалга оширила бошланди.

Қишлоқ хўжалигини ислоҳ қилиш давом эттирилди, 329 та қишлоқ хўжалиги кооперативи (ширкат хўжаликлари) қайта ташкил этилди ва улар негизида 25,2 мингта фермер хўжалиги ташкил қилинди.

Кичик бизнес ва тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш иқтисодиётнинг ушбу секторида маҳсулот ишлаб чиқаришни ўстиришнинг юқори суръатларини ҳамда кичик бизнеснинг ялпи ички маҳсулотдаги улушини 33,2 фоизгача оширишни таъминлади.

Хизматлар кўрсатиш соҳаси ва сервисни, чорвачиликни, касаначиликни ривожлантириш юзасидан қабул қилинган мақсадли комплекс дастурларнинг амалга оширилиши биринчи чорақда қарийб 150 минг янги иш ўринлари ташкил этилишини таъминлади. 2006 йилнинг I чорагидагига нисбатан замонавий компьютер технологияларидан фойдаланиш билан боғлиқ хизматлар, молия ва транспорт хизматлари кўрсатиш борасида сифат жиҳатидан таркибий ўзгаришлар қайд этилмоқда. Хизматлар кўрсатиш соҳасининг ялпи ички маҳсулотдаги улуши 43,5 фоизгача кўпайди.

"Ижтимоий ҳимоя йили" дастури доирасида 13,8 мингта кам таъминланган ва кўп болали оила 5,5 миллиард сўмликдан зиёд қорамолни текин олишди, 3,4 мингта кам таъминланган оилага Иш билан таъминлашга кўмаклашиш жамғармаси маблағлари ҳисобига 2,9 миллиард сўм миқдорида микрокредитлар ажратилди, ногиронлар учун қарийб 1500 та иш ўрни, шу жумладан касаначиликни ташкил этиш йўли билан 1160 та иш ўрни ташкил этилди, ҳомийлар маблағи ҳисобига 26 минг нафар ёлғиз кишига ва 121 мингта кам таъминланган оилага моддий ёрдам кўрсатилди.

Шу билан бирга, Вазирлар Маҳкамаси мажлисида ҳал этилмаган муаммоларга танқидий баҳо берилди, мамлакатимиз раҳбарияти томонидан белгилаб берилган 2007 йил иқтисодий дастурининг энг муҳим устувор вазифалари сўзсиз бажарилишини таъминлаш чора-тадбирлари белгиланди.

Тегишли вазирликлар, идоралар, хўжалик бирлашмалари, маҳаллий давлат ҳокимияти органлари раҳбарлари олдига 2007 йилги Инвестиция дастурида назарда тутилган объектларни, энг аввало, ялпи ички маҳсулотни кўпайтиришни таъминловчи саноат йўналишидаги объектларни сўзсиз ва ўз вақтида ишга туширишни таъминлаш бўйича аниқ вазифалар қўйилди.

Республика ҳукумати мажлисида кун тартибидаги масалаларни муҳокама этиш якунлари бўйича тегишли қарорлар қабул қилинди.

(ЎзА)

Наманган вилояти

Жамғарма фаолиятидан

Мустақиллик йилларида Ижтимоий ҳимоя масаласига доир устивор вазифалар ҳар бир йил дастурида ўз аксини топиб келмоқда. Бу эса ўз навбатида юртимизда фаолият юритаётган фуқаролар йиғинлари ҳамда "Маҳалла" жамғармасининг жойлардаги бўлим ва бўлинмалари зиммасига катта масъулият юклаяпти.

МУРУВВАТДА ДОИМО ИЛҒОРМИЗ

Ҳомийлар ва шифокорлар йилида ҳам мазкур масала фаолиятимиз мезонига айланди. Жумладан, вилоятимизда Президентимизнинг "Шахсий ёрдамчи, деҳқон ва фермер хўжаликларида чорва молларини кўпайтиришни рағбатлантириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги Қарори, айниқса, фермерларни ташаббускорликка ундади. Улар кўпфарзандли, эҳтиёжманд оилаларга бир бошдан қорамол бериш орқали хайрия тадбирларига бош қўшдилар. Натижада, 1943 бош сигир муҳтож оилаларга тарқатилди. Жамғармамизнинг туман бўлинмалари томонидан эса 46 бош қорамол моддий ёрдам тариқасида ажратилди.

2006 йилда бу борада бизга ёрдам сўраб мурожаат қилган 3326 нафар фуқаронинг аризаси қаноатлантирилиб, уларга 31 миллион 540 минг сўм миқдорида моддий кўмак берилди.

Жамғармамиз эл соғлиғи йўлида ҳам мададкорликни ҳеч вақт тўхтатмайди. Йилнинг биринчи чорагида жарроҳлик амалиётларини республикамиз марказида, ҳатто хорижда амалга оширишга зарурат сезаётган, лекин иқтисодий аҳволи ночор оилаларга ёрдам қўлини чўздик. Вилоятимизда 50 дан зиёд бемор кўмагимиздан фойдаланди. Хусусан, Наманган шаҳри, Тўрақўрғон ва Наманган туманларида ҳар бир даволанувчига 100 минг сўмдан ортиқ моддий ёрдам кўрсатилди.

Жорий йил давомида маҳаллаларда 408 та спорт майдончаси бунёд этилади. Улар зарур анжомлар билан жиҳозланади. Бу мақсад йўлида жамғарма ва ҳомийлар томонидан 94 миллион сўмликдан ортиқ маблағ сарфлаш режалаштирилган. Ўтган йили анъанавий "Футболимиз келажаги" мусобақасида Чуст тумани Дўзанда маҳалласи жамоаси республикада учинчи ўринни эгаллагани маҳалла ёшларини келгусидаги ғалабалар сари руҳлантирмоқда. Албатта, вилоят маҳаллаларида спортни оммавийлаштиришда бизнинг ҳам муносиб улушимиз бўлади. Жумладан, жорий йилда болалар спортини ривожлантиришга 8 миллион сўмдан зиёд маблағ ажратишга қарор қилганмиз.

Гузарлар — маҳалла кўрки. Янгиқўрғондаги Фурқат номли, Тўрақўрғон туманидаги Хўжанд, Чуст туманидаги Пансада, Поп туманидаги Ғурумсарой маҳалла гузарлари қиёфаси кейинги пайтда замонавий тусга кирди. Бу ерларда аҳолига хизмат кўрсатувчи турли шахобчалар фаолият кўрсатмоқда.

Табиийки, маҳалла оқсоқоллари кўп сонли аҳолига бошчи, раҳнамо. Шундай экан, уларнинг оқилона саъй-ҳаракатлари муваффақиятлар омилидир. Ўтган йилнинг тўртинчи чорагида фуқаролар йиғинлари раислари учун ўқув-семинар машғулотларини ташкил қилдик. Вилоят адлия, ички ишлар, меҳнат ва аҳолини муҳофаза этиш бошқарамалари мутасаддилари, Республика Маънавият тарғибот маркази ҳудудий бўлими, "Камолот" ёшлар ижтимоий ҳаракати Кенгаши раҳбарларининг маърузалари тингланди, қизғин баҳс-мунозаралар олиб борилди. Ўқиб-ўрганган оқсоқолларимизнинг ташкилотчилик ва ташаббускор салоҳияти янада ортди.

Президентимизнинг "Миллий ғоя тарғиботи ва маънавий-маърифий ишлар самарадорлигини ошириш тўғрисида"ги Қарори талабларига мувофиқ фуқароларни юксак ахлоқий руҳда тарбиялашга катта аҳамият бераяпмиз. Барча туманларда ҳафтанинг ҳар жума кунида Ватан равнақи, юрт тинчлиги, халқ фаровонлигига эришиш учун мазмунли ва таъсирчан учрашув-мулоқотлар ўтказилади. Жамғармамизнинг Норин, Косонсой, Тўрақўрғон, Уйчи туманлари, Наманган шаҳри бўлинмалари раислари Яйрахон Ҳожиева, Усмонхон Валиев, Абдурасул Раҳмонов, Абдумутал Нажмиддинов ва Рисликҳон Абдуғаффоровалар тарғибот тадбирлари изчиллиги учун астойдил жон куйдиришяпти.

Олимжон НУРИДДИНОВ,
"Маҳалла" жамғармаси Наманган вилояти бўлими раиси.

Қорақалпоғистон Республикаси

ИСМОИЛ БОБО ОИЛАСИДА УЧ ШОДИЁНА

Элликқалъа тумани Ақчакўл овулидаги Латиповлар хонадонида ўзига хос тантана бўлди.

Оила бошлиғи, бутун умри давомида деҳқончилик билан шуғулланган Исмоил бобо тавваллуд топганининг 103 йиллиги нишонланди. Унинг турмуш ўртоғи Бикажон момо шу куни 90 ёшга тўлди. Бобонинг катта ўғли, овулдаги "Латип Мулла" фермер хўжалиги раҳбари Қадамбой Исмоилов ҳам ёр-дўстлари билан эллик ёшга тўлишини нишонлаб, тўкин дастурхон атрофида йиғилишди.

Ақчакўллик уч нафар юбилярларни туман ҳокими Неъматулла Худойберганов ва маҳалладошлари муборакбод этишди.

Асил БЕК,
"Mahalla" мухбири.

Ҳаракат дастури — амалда!

ОҚСОҚОЛЛАР ЎҚУВИ: МУЛОҚОТДА МУАММОГА ЕЧИМ БОР

Хабарингиз бор, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати Кенгаши томонидан тасдиқланган "Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари фаолиятини такомиллаштиришга доир 2007-2008 йилларга мўлжалланган ҳаракат Дастури"га асосан жорий йилнинг февраль-март ойларида республикамизнинг барча ҳудудларида фуқаролар йиғинлари раисларининг ўқув-семинар машғулотлари бўлиб ўтди. Хўш, қишлоқ ва маҳалла оқсоқолларининг турли соҳадаги билими ҳамда малакасини оширишга қаратилган мазкур ўқув тадбирлари қандай самара берди ёки қандай натижа кутилаяпти? Умуман, бундай семинар машғулотларини оммавий равишда ўтказишга қандай эҳтиёж бор эди?



Сир эмас, бугун ҳар бир маҳалланинг ўзига хос ютуқ ва камчиликлари бор. Мисол учун, қайси бир йиғин ҳудудида ободончилик ишларини кўриб ҳавас қиласиз, бошқа маҳаллада эса аввал обод бўлган жойлар ҳам ташландиқ ҳолга келиб қолган. Бир ҳудудда осойишталик тадбирларини яхши йўлга қўйган оқсоқолнинг иши кўпга ўрнак, бошқа йиғинда эса ёшлар ўртасида тез-тез ҳуқуқбузарлик, жиноятчилик ҳолатлари содир этиб турилади. Ана шу ҳолатлардан келиб чиқиб савол туғилади: хўш, бунинг бош омили нимада?

Табиийки, оқсоқол ташаббускор, тажрибали, тадбиркор, ҳуқуқий саводхон бўлган ҳудудда ютуқлар салмоғи ошиб бораверишига кўп бор гувоҳ бўлганмиз. Айтайлик, илгари ўқитувчилик қилиб, бугун маҳаллага раис этиб сайланган инсоннинг келгуси фаолиятида маҳалла ёшлари билан ишлашда устувор жиҳатлар кўзга ташланади. Ёхуд собиқ ички ишлар ходими йиғинни бошқарар экан, энг аввало унинг ҳудудда осойишталикни сақлаш, жанжалкаш оилалар билан муносабатидаги тажрибасига, маҳоратига қойил қолишимиз табиий. Аён бўладики, йиғинга сайланган инсонлар турли соҳа вакиллари, турли салоҳият, турлича иш услубига эга бўлган инсонлар. Булар эса оқсоқол учун ўндан бир хислат. Маҳалла тизимига доир тажриба, малака, билим эса фаолият давомида шаклланади.

Юртимиздаги мавжуд 9949 нафар фуқаролар йиғинлари раислари учун ўқув-семинар машғулотларини ўтказишда ана шу муҳим жиҳатлар бош мезон бўлди. Демак, йиғин раиси нафақат ўз билганига суяниб, балки бу соҳадаги мавжуд тажрибалар, услубий тавсияларга асосланиб, уларнинг ижобий томонларини ўзлаштириб иш тутсагина, кўзланган самарага эришилади. Шу боис, ўқув-семинарларда турли соҳа етакчилари — Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат ва жамият қурилиши академияси, Тошкент Давлат юридик институти олимлари, қатор вазирликлар, "Маҳалла" жамғармаси ва бошқа давлат ва жамоат ташкилотлари, маҳаллий ҳокимликлар мутахассислари маъруза қилди. Ўқув қатнашчилари турли мавзудаги маърузаларни тинглаб, назарий билимга, услубий кўникмага, зарурий тавсияларга эга бўлдилар. Албатта, бу масаланинг биринчи томони. Яна бир қувонарли жиҳати, ўқув сабаб йиғин раисларининг бир жойга тўпланиб, ўзаро тажриба алмашиши учун имконият юзага келди. Мулоқот чоғида кимдир коммунал тўловларни йиғиш борасидаги самарали услуб ҳақида, кимдир маҳаллада спортни қандай ривожлантириш мумкинлиги хусусида гапирди. Яна кимдир ҳомийларни хайрли ишларга кенг жалб қилиш борасидаги илғор тажрибаси билан ўртоқлашди...

— Жойларда ташкил этилган ўқув-семинарларининг умумий сони 72 тани ташкил этди, — дейди "Маҳалла" жамғармаси респулика бошқарувининг мутахассиси Марҳабо Шерматова. — Ўқув машғулотларида нафақат фуқаролар йиғинларининг раислари, балки баъзи ҳудудларда диний маърифат ва маънавий-ахлоқий тарбия масалалари бўйича маслаҳатчилар ҳам иштирок этишди. Энг асосийси, машғулотлар чоғида ўртага ташланган савол ва мулоҳазалар, таклиф ва тавсиялар маҳалла тизими фаолиятининг ривожига катта ҳисса қўшиши билан аҳамиятли.

Дарҳақиқат, ўқув-тадбирлари қизғин савол-жавоблар асосида, жонли мулоқот тарзида ўтди. Хусусан, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари фаолиятининг ҳуқуқий асосларини такомиллаштириш, ушбу тузилмаларнинг молиявий ва мулкий асосларини, маҳалла бюджетини шакллантириш, фуқаролар йиғинлари билан коммунал хизмат кўрсатиш ташкилотларининг ўзаро ҳамкорлиги, йиғинларнинг қишлоқ хўжалиги ишларидаги иштироки, фермер хўжаликлари билан ўзаро муносабатига доир савол-жавоблар баҳс-мунозараларга сабаб бўлди. Ўз навбатида оқсоқоллар томонидан билдирилган ўринли таклиф ва мулоҳазалар умумлаштириб, ўрганиб чиқилди. Эндиликда йиғин раислари семинар давомида эгаллаган билим ва малакасини амалда қўлламоқдалар.

Фаррух БЎТАЕВ

Қашқадарё вилояти

Польша Республикасининг бир гуруҳ фуқаролари Ғузор туманидаги поляк ҳарбийларининг қабристонини зиёрат қилишди.

ПОЛЬШАЛИКЛАР ҒУЗОРДА

улар бу ерда ҳамюртлари дафн этилган қабристонни зиёрат қилдилар

1863-1864 йилларда чор Россиясига қарши қўзғолон кўтарган поляклар Ўрта Осиёга сургун қилинган эди. Улар Тошкент, Қўқон, Самарқанд, Бухоро, Термиз ва бошқа вилоятларда яшаб меҳнат қилдилар.

Иккинчи жаҳон уруши даврида уруш оқибатида ва оммавий қатағонлар сабабли поляк аҳолисидан бир қисмининг минтақамизга иккинчи кўчиши содир бўлди. Вилоятнинг Бешкент, Қарши, Яккабоғ, Китоб, Чироқчи, Косон туманлари болалар уйларида 1943-1946 йилларда 1500 нафар поляк болалари тарбияланди. 1946 йилнинг май ойида уларнинг омон қолганлари ўз ватанларига қайтдилар.

Ғузор туманидаги қабристонга поляк генерали Владислав Андерснинг шарқдаги поляк армиясининг 663 нафар аскари ва поляк фуқаролари дафн қилинган. Улар 1942 йилда ўз ватанига қайтаётиб вафот этганлар. Андерс ўз мамлакатининг миллий қаҳрамони ҳисобланиб, жорий йил Польшада унинг номи билан аталган.

Қ.ЭГАМБЕРДИЕВ,
"Mahalla" мухбири.

Самарқанд вилояти

Габриэле хонимнинг Самарқанд сайри

Самарқанд шаҳридаги Ўзбекистон маданияти тарихи давлат музейида германиялик этнограф олима Габриэле Келлер хонимнинг "Ўзбекистонда аёллар маданияти" кўргазмаси намойиш этилди.

— Мен илк бор Самарқандга 1997 йилда келган эдим ва ўша пайтдаёқ менда ўзбек халқининг тарихи, миллий анъаналари, урф-одатларига қизиқиш уйғонди, — дейди Габриэле хоним. — Ўтган ўн йил мобайнида Самарқанд вилоятининг олис туманларидаги қишлоқларда бўлиб, кўплаб хонадонларга ташриф буюрдим. Ўзбек аёллари билан сухбатда бўлдим, халқ ижодиёти намуналарини тўпладим. Ана шу тадқиқотлар натижасида йиғилган маълумотлар асосида немис тилида "Самарқанд эртаклари" китобини чоп этдим, суратлар эса Германия ва Ўзбекистоннинг кўплаб шаҳарларида "Ўзбекистонда аёллар маданияти. Европалик тадқиқотчи Марказий Осиёнинг қадимий анъаналарини ўрганиб..." деб номланган фотокўргазмада намойиш қилинди. Бу заминга бўлган чуқур муҳаббатим боис, шубҳасиз.

— Габриэле Келлер хонимнинг халқимиз маданияти ва тарихини ўрганиб, уни дунё ҳамжамиятига танитишдаги хизматлари эътиборга олиниб, — дейди Самарқанд тинчлик ва бирдамлик халқаро музейи раҳбари А.Ионесов, — 2004 йилда унга Тошкент Давлат педагогика университетининг фахрий доктори унвони берилди, 2005 йилда эса германиялик хоним Самарқанд шаҳрининг фахрий фуқароси бўлди.

СУРАТДА: *Габриэле Келлер хоним Самарқанддаги хонадонлардан бирида.*

Т.НОРҚУЛОВ (ЎзА) олган сурат.

Табиат муҳофазага муҳтож

Ёндирилган чиқиндилар...

айниқса, пластмасса қолдиқлари саломатлигимиз кушандасидир!

Янгийўл шаҳридаги "Авесто шамс" хусусий корхонаси томонидан чиқиндилар таркибидаги пластмасса қолдиқлари, пленкалар, "баклажка"лар қабул қилиш йўлга қўйилиб, улардан зарур бўлган ящик-идишлар, пленка қоплама, дастурхонлар, диаметри 40-160 мм бўлган сув, канализация қувурлари, қалинлиги 60-100 микрон бўлган пленкалар ва "Нексия" автомашинаси учун хавфсизлик кронштейнлари ишлаб чиқарилмоқда.

2006 йилда ана шундай чиқиндилардан 85 миллион сўмлик маҳсулот ишлаб чиқарилиб, жами 150 тонна чиқинди қайта ишланган. 23,5 минг АҚШ долларлик маҳсулот экспорт қилинган. Бугунги кунда корхонада 80 киши иш билан таъминланган. Бундай мисолларни кўплаб келтириш мумкин. Шу каби самарали ишлар юртимизнинг бошқа жойларида ҳам йўлга қўйилмоқда. Бироқ бизни яна бир муаммо ташвишга солади: одамларда чиқиндилар билан курашувчанлик, покиза яшашга интилиш сусайгандек... Кўча-кўйда эътиборимизни тортган нохуш манзараларга кўра била туриб лоқайдларча қўл силтаб кетаётибмиз...

Нега биз шундай маданиятли, имон-эътиқодли халқ вакиллари бўла туриб, хонадонларимизда, дала-ҳовлиларимиздаги ҳожатхоналар чиқиндиларини яширин усуллар билан канал ва сойларга тўғрилаб қўйиш каби шайтоний ҳийлалар ишлатамиз? Уй ҳайвонларини аҳоли зич жойлардаги майсазорларда сайр эттириб, кўркам жойларни булғатиб, ўзимизнинг, маҳалладошларимизнинг асабини қақшатамиз?



Бундан атиги 20-30 йил бурун эмасмиди, бува-бувиларимиз, ота-оналаримиз сувга қараб супурма, сувга туфлама, нолойиқ жойларга ўтирма, ҳовли ва кўчаларга ахлат тўплаб қўйма, бехосият бўлади, деб ўгит берганлари. Шуларга амал қилиб, ариқ ва булоқлардан, ҳадиксиз сув ичиб, иссиқ нонларни оқар сувга бўктириб еганларимиз. Ўша ариқ сувлари, булоқлар қани? Ҳаммасига ўзимиз қирон келтирмадикми?

Ер юзи аҳолисининг жон боши (бешикдаги гўдакларимиз, навқирон ўғил-қизларимиз, кексайиб қолган ота-оналаримизнинг ҳар бири)га тўғри келаётган камида 800-1000 килограммдан маиший чиқиндилар, 10-50 минг килограммдан заҳриқотил, саноат чиқиндилари оқибатини мушоҳада этайлик, биродарлар!

Шу ўринда яна бир муҳим муаммони таъкидлаш лозим, очиқ ҳавода тўпланиб ётган чиқиндилардан чириш жараёнида атмосфера ҳавосининг Озон (O_3) қатламини емирувчи зарарли газлар ҳосил бўлади. 1 га майдонни эгаллаган қаттиқ чиқиндихонадан 1 йилда минг тонна CO_2 — карбонат ангидрид ва CH_4 — метан гази ҳосил бўлиб, атроф-муҳитни заҳарлайди. Айрим чаққон келинчаклар, фаррошлар, фуқаролар, ҳаттоки айрим раҳбарлар тўпланган хазон, шохшаббалар, чиқиндиларни ёндириб, улардан осон қутулмоқчи бўладилар. Бундай йўл тутиш мутлақо нотўғри. Чунки ёндирилган чиқиндилар, айниқса пластмасса қолдиқлари, хазонлар инсон генофондига, инсон саломатлигига жуда хавфли ва салбий таъсир кўрсатади.

Абдумутал АБДУХОЛИҚОВ,
Тошкент вилояти Табиатни муҳофаза қилиш қўмитаси махсус нозирлиги бошлиғи.

Сўранг, жавоб берамиз

Савол:

ЎГАЙ ЎҒИЛ МАЖБУРИЯТДАН ОЗОДМИ?

Бундан тўрт йил муқаддам хотиним қазо қилгач, ўгай ўғлим уйланиб, кўчиб кетди. Мен ўшанда меҳнатга лаёқатли эдим. Айни пайт кексайиб, ўз ҳаётимни ўзим таъминлай олмай қолдим. Ўгай ўғлим эса тўрт йилдан бери икки марта йўқлаб келди, холос.

Ҳозир ўгай ўғлимдан мен билан бирга яшашини сўрасам, у биз бошқа-бошқа одамлар эканимизни айтаяпти. Ўгай ўғлим ҳақиқатдан ҳам таъминот бериш мажбуриятига эга эмасми?

Жавоб:

БЕШ ЙИЛДАН КАМ ТАРБИЯ ОЛСА...

Ўзбекистон Республикаси Оила кодексининг 128-моддасига кўра, меҳнатга лаёқатсиз, ёрдамга муҳтож ўгай ота ва ўгай онанинг ота-онаси, эри ёки хотини (собиқ эри ёки хотини) ёки вояга етган меҳнатга лаёқатли болалари бўлмаса ёхуд улардан таъминот учун маблағ ололмаса, уларга таъминот бериш мажбурияти ўгай ўғил ва ўгай қизлар зиммасига юклатилиши мумкин.

Агар ўгай ўғил ва ўгай қизни ўгай ота ва ўгай она беш йилдан кам вақт давомида тарбиялаган ва таъминот берган бўлса, шунингдек, улар ўз мажбуриятларини лозим даражада бажармаган бўлса, суд ўгай ўғил ва ўгай қизни ўгай ота ва ўгай онасига таъминот бериш мажбуриятидан озод қилишга ҳақли.

Шунингдек, мазкур кодекснинг 126-моддасида қуйидаги бандлар мавжуд: меҳнатга лаёқатсиз, ёрдамга муҳтож, эри ёки хотини (собиқ эри ёки хотини) ёки вояга етган меҳнатга лаёқатли болалари бўлмаган ёхуд улардан таъминот учун маблағ ололмайдиган, амалда уларни тарбиялаганларга таъминот бериш мажбурияти уларнинг доимий тарбияси ва таъминотида бўлган шахслар зиммасига юклатилиши мумкин. Бундай мажбурият васийликда (ҳомийликда) турган шахслар зиммасига юклатилмайди.

Суд тарбияда бўлганларни, агар улар тарбиячиларнинг тарбияси ва таъминотида беш йилдан кам турган бўлса, ушбу моддада кўрсатилган мажбуриятдан озод қилиши мумкин.

Абдулла Қаҳҳор таваллудининг юз йиллиги олдидан

АДИБ ЁҚҚАН ЧИРОҚ ЎЧМАЙДИ

Абдулла Қаҳҳор уй-музейи 1987 йилда ёзувчининг 80 йиллик юбилейи муносабати билан ташкил этилган эди. Тошкент шаҳрининг Юнус Ражабий кўчаси 26/1-уйида жойлашган икки қаватли бу уйда адиб 1958 йилдан умрининг охиригача яшаб, ижод қилган.

Мана йигирма йилдирки, ушбу маскан халқимизни ёзувчи ҳаёти ва ижоди билан яқиндан таништириш, тарғиб ва ташвиқ этиш, ёшларнинг адабиёт ва санъатга бўлган қизиқишларини оширишда ўз ҳиссасини қўшиб келмоқда. Шуни алоҳида таъкидлаш лозимки, уй-музейини ташкил этишда адибнинг турмуш ўртоғи, мумтоз адабиёт билимдони, зукко таржимон Кибриё Қаҳҳоровонинг хизматлари катта бўлган. Унинг жонбозлиги ва саъй-ҳаракатлари туфайли бу хонадон қутлуғ зиёратгоҳга айланди. Кибриё опа музей ташкил этилгандан умрининг сўнгигача катта илмий ходим вазифасида фаолият юритиб, адиб хотирасини абадийлаштиришга бош-қош бўлган.

Уй-музей фонди А.Қаҳҳорнинг шахсий буюмлари, ҳужжат, орден ва медаллари, қўлёзма ва китоблари, фотосурат ва санъат асарларидан иборат.

Бу ерга келувчиларда, айниқса, Қаҳҳор кутубхонаси ўзгача таассурот қолдиради. Бу бежиз эмас, албатта. Кутубхонада уч мингга яқин китоб, беш юздан ортиқ журналлар сақланади. Уларнинг деярли барчасини адибнинг ўзи жамлаган. Унинг ўзи шундай ёзади: "Москвадаги эски китоблар магазинини хўп айланиб, шу кунгача қайси бир ёзувчини татиб кўрган бўлсам, тўла асарлар тўпламини сотиб олишга ҳаракат қилдим. Бунга қисман эришиб, Толстой, Чехов, Гоголь, Тургенев, Лермонтов, Достоевский, Писарев, Белинский, Горький, Ж.Лондонларнинг асарларидан иборат олти яшик китоб билан қайтдим."

Адибнинг ёш ёзувчи, шоирларга ғамхўрлиги, улар ижодини кузатиб бориб, ҳар бир янги асарини диққат билан ўқигани, эринмай муаллифга мактуб ёзганлиги, камчилик ва ютуқларини таъкидлаб, қимматли маслаҳатлар берганлигини, керак бўлса ноҳақ танқидлардан ҳимоя қилганини кўпчилик эътироф этади. Шу сабабли ёш қаламкашлар биринчи китобчаларини устоз назаридан ўтказиб, унинг оқ фотиҳасини олишга ҳаракат қилганлар.

Кутубхонадаги жавонлардан бири ана шундай шогирдларнинг китоблари учун ажратилган бўлиб, уларнинг барчасида муаллифлар дил сўзлари, дастхатлари битилган. 1965 йилда нашр этилган "Уфқ" китобининг биринчи саҳифасида шундай сўзлар бор: "Ҳурматли Абдулла ака! Биринчи катта китобим шу. Уришиб-уришиб ўқиб чиқарсиз, деган умиддаман. Эҳтиром ила шогирдингиз Саид Аҳмад". Пиримқул Қодиров "Студентлар" китобчасини тақдим этаётиб шундай ёзган экан: "Абдулла ака! Агар ўзбек адабиёти бир денгиз бўлса, Сиз шу денгизда сузаётган кемалардан бирининг капитанисиз-у, мен энди унга қадам қўяётган юнгаман. Бу китобча юнгаликдан матросликка ўтиш учун берилган имтиҳонлардан бири. Юнга капитаннинг баҳосини қандай ҳаяжон билан кутса, мен ҳам Сизнинг баҳонгизни шундай ҳаяжон билан кутаман. Йиллар давомида берган сабоқларингиз учун чексиз миннатдорчилик билан П.Қодиров".

Уй-музей кутубхонасига буюк адибга бўлган ҳурмат-эҳтиромлари нишонаси сифатида ёзувчи ва шоирлар, адабиётшунослар ўзларининг янги чиққан китобларини совға қиладилар. 2004 йилда Озод Шарафиддинов "Ижодни англаш бахти" китобини қуйидаги дастхат билан совға қилган: "Буюк адиб Абдулла Қаҳҳор уй-музейига! Бу китобга устознинг кўп меҳнатлари сингган. Бугун уни кўриб устознинг руҳи шод бўлсин".

Бугунги кунда уй-музейдаги китоблар фақат томоша учун қўйилган экспонатлар эмас. Ҳар йили музей кутубхонасидаги китоблардан маълум тартиб асосида фойдаланиш учун рухсат берилади.

Айни пайтда Абдулла Қаҳҳорнинг 100 йиллиги муносабати билан уй-музейнинг янги экспозициясини яратиш устида иш олиб борилмоқда. Бу ишга адабиётшунослар, малакали рассом-дизайнерлар жалб этилган. Бўлажак экспозиция уч бўлимдан иборат бўлади. **"Абдулла Қаҳҳор ҳаёти"** деб номланган биринчи бўлимда адиб ҳаётининг турли босқичлари, муҳим воқеалар ҳақида ҳикоя қилинади. Экспозициянинг бу бўлимида ХХ аср бошларидаги халқ турмуш тарзини, маданиятини, давр муҳитини жонли равишда кўрсатишга ҳаракат қилинмоқда. Экспозициянинг навбатдаги қисмига адибнинг Қўқон педагогика билим юртида ўқиб юрган даври ҳаётига оид ҳужжатлар, маршлар ва шарқиялар битилган, турли фанлардан тутилган конспект дафтарлар, суратлар ва билим юртининг деворий газетаси қўйилади. "Билим юрти" ва унинг ҳажвий иловаси "Қумортқи" деворий газеталарининг 1922 йилда Абдулла Қаҳҳор муҳаррирлиги остида тайёрланган сонлари адибнинг талабалик давридан ноёб эсдаликдир.



Абдулла ҚАҲҲОР ўз кутубхонасида. 1965 йил.

Шунингдек, бу бўлимда унинг севимли машғулоти — фотографияга бўлган қизиқиши ҳам ёритилади. Эллик, олтмиш йиллик юбилейларга доир материаллар билан ҳам шу ерда танишиш мумкин. Бўлимдан ёзувчи билан чорак аср ҳамнафас яшаган, унинг шахсий котибаси, таржимони, беминнат ёрдамчиси Кибриё Қаҳҳоровонинг ҳаёти ва ижодини ёритиш учун махсус жой ажратилади. Тожик ва рус тилларидан ўзбек тилига, ўзбек тилидан тожик тилига қилган таржималари, нуктадонлик ва ҳозиржавоблик билан ёзилган илмий, публицистик мақолалари ҳақида маълумот берилади. Ёзувчи билан видолашув, сўнгги йўлга кузатиш маросими пайтидаги суратлар ҳам шу бўлимдан жой олган.

"Абдулла Қаҳҳор ижоди" деб номланган иккинчи бўлимда адибнинг журналистик фаолияти ва ижодининг илк даврларига тегишли ҳикоя, фельетонларнинг қўлёзмалари, улар эълон қилинган вақтли матбуот нашрлари ўрин олади. Бу бўлимда "Сароб" романи ва унинг мураккаб тақдирини ёритишга алоҳида эътибор қаратилади. Романнинг турли йиллардаги нашрлари, у ҳақда эълон қилинган мақолалар, тақризлар, илмий ишларнинг авторефератлари кўргазмага қўйилади. Адибнинг қиссалари, таржималари, пьесалари ва чет тилларга таржима қилинган асарлари ҳақида ҳам шу бўлимда маълумот берилади.

"Абдулла Қаҳҳор мероси" деб номланган учинчи бўлимда адибга ҳурмат ва эҳтиром намунаси сифатида тўҳфа этилган совғалар, унга муносиб кўрилган мукофотлар, орден ва медаллар, дипломлар, эсдалик буюмлари жой олади. 2000 йилда Абдулла Қаҳҳор халқимиз маънавиятини юксалтиришга ва адабиётимиз ривожига қўшган улкан хизматлари эвазига "Буюк хизматлари учун" ордени билан тақдирланган эди. Ушбу юксак мукофот ҳам экспозициянинг мазкур бўлимидан ўрин олади. Бундан ташқари антиқа услубда ишланган ҳинд миллий лагани, Шива ҳайкалчаси, Раж Капур киностудиясининг рамзий ҳайкалчаси ва шу совғаларни қабул қилиб олиш пайтидаги эсдалик суратлар ҳам экспозицияни анча бойитади.

Абдулла Қаҳҳор уй-музейи адабиёт муҳиблари, китобхонлар ҳамда кенг жамоатчиликка ҳамиша мунтазир.

Шаҳноза ЭРГАШЕВА

Олам турфа

ЧЎҚҚИГА ЧИҚҚАН АЁЛ

Ингрид Байенс бельгиялик аёллар орасида Жомолунгма чўққисини забт этган биринчи аёл ҳисобланади. Жомолунгмани забт этган жаҳон аёллари рўйхатида эса унинг номи 14-ўринда.

Ингрид Байенс учун Жомолунгмани ишғол этиш жуда қимматга тушган. У 1987 йили бу чўққига чиқиш учун синов пайтида ҳамроҳлари — эридан ва машҳур альпинист Вим Вербистдан айрилган (ҳалок бўлишган). Бир йил ўтгач, Ингрид яна чўққига йўл олди. Бироқ денгиз сатҳидан 8848 метр баландликда бўлган чўққига 150 метр қолганда... Ингриднинг пастга қайтишдан бошқа иложи қолмади, очиғи, чўққига кўтарилишга дармони етмади. Ва ниҳоят кейинги йили чўққини забт этди.

Газеталарда ёзишларича, Жомолунгмани забт этиш кўпинча фожеа билан тугайди. Жумладан, унга чиқмоқчи бўлган альпинистларнинг ҳар учдан бири ҳалок бўлган, яъни шу пайтгача 300 дан ортиқ альпинист Жомолунгмага чиққан бўлса, шундан юз нафари шундай фалокатга йўлиққан.

Бухоро вилояти

Кредит — тадбиркорга кўмак

"Бухоро тадбиркори" тадбиркорларга таянч

"Маҳалла" жамғармаси вилоят бўлими ҳудудда фаолият юритаётган банклар, кредит уюшмалари, жамғармалар ва бошқа молия муассасалари билан ҳамкорликда иш юритиб, тадбиркорлик билан шуғулланиш истагида бўлган фуқароларни, айниқса, эҳтиёжманд оилаларни ижтимоий-иқтисодий жиҳатдан қўллаб-қувватлаш мақсадида уларга имтиёзли кредитлар бермоқда.

Жамғарманинг вилоят бўлими билан бу борада ҳамкорлик қилаётган молия ташкилотларидан бири "Бухоро тадбиркори" кредит уюшмасидир. Амалдаги қонун ва қоидалар асосида иш юритиб келаётган кредит уюшмаси мижозлари сонининг кўплиги, Низом жамғармасининг ўсиб бораётганлиги билан вилоятда ўз ўрни ва салоҳиятига эга.

Ўтган 2006 йилда 647 нафар фуқарога 1 миллиард 387 миллион 220 минг сўм миқдорида кредит ажратган уюшма йилни 22 миллион 743 минг сўм соф фойда билан якунлади. Уюшманинг мижозлари орасида "Маҳалла" жамғармаси вилоят бўлими тавсияси билан имтиёзли кредит олишга муваффақ бўлган эҳтиёжманд, аммо ўз тадбиркорлик салоҳиятини ишга солиб, кредит фоизларини ўз вақтида тўлаётган фуқаролар ҳам талайгина.

Кредит уюшмаси раиси Нишон Аитов ташаббуси билан ўтган йил давомида турли хайрия тадбирларини ўтказишга жами 1,5 миллион сўмдан ортиқ маблағ сарфланди. Яқинда уюшманинг 2006 йил якунларига бағишлаб ўтказган ҳисобот йиғилишида ҳам ушбу анъанани давом эттирган ҳолда 40 нафар эҳтиёжманд оилага қимматбаҳо совғалар улашилди. Бухоро шаҳридаги А.Фитрат, Хавзи Нав, Аббос Алиев номли маҳаллаларда ҳам хайрия тадбири ўтказилди.

Ҳамроз АЛИ,
"Mahalla" мухбири.

Самарқанд вилояти

Зоғаракашда ширин кулчалар пишмоқда

Элнинг қувончли кунларида қандолат маҳсулотлари дастурхонларни безайди, меҳмоннавозлик анъаналари бардавомлигига ҳисса қўшади. Қоракўллик ёш тадбиркор Ҳикмат Ашуров "ООО VINIKS" компаниясидан қандолат маҳсулотлари ишлаб чиқариш технологиясини сотиб олди ва Қозон қишлоқ фуқаролар йиғинидаги Зоғаракаш қишлоғида "Дўстлик" қандолатчилик цехини ишга туширди. Ўндан ортиқ турдаги маҳсулотларни етказиб бераётган мазкур цех очилиши билан тўрт нафар маҳалладош муқим ишли бўлди. Тадбиркорнинг саъй-ҳаракатлари эвазига бутун қишлоқ, қолаверса, туман фуқаролари дастурхонида арзон, сифатли ва мазали қандолат маҳсулотлари кўпайди.





СУРАТДА: *қандолат цехи ишчиси Анвар Ашуров.*

Нурмамат АЛМУРОДОВ олган суратлар.

Сурхондарё вилояти

Ўзбекистон Республикаси Президентининг "Аҳолини ижтимоий ҳимоя қилиш тизимини янада такомиллаштириш ва мустаҳкамлашга оид чора-тадбирлар тўғрисида"ги Фармони эълон қилинди. Мазкур Фармон "Ижтимоий ҳимоя йили" Давлат дастурини амалга оширишда зиммамизга улкан вазифалар юклади.

Эҳтиёжманд эътибордан четда қолмайди

Туманда пенсионерлар сони 26646 киши. Уларнинг 19334 нафари ёшга доир пенсия олса, 2007 нафар киши ногиронлик нафақаси олади. 3067 киши боқувчисини йўқотганлиги учун ижтимоий ҳимояга олинган. 51 кишилик аҳил жамоамиз қариялар хизматига доимо камарбаста. Улардан 11 нафари пенсия тайинлаш ва 9 нафари пенсия тақсимлаш иши билан шуғулланади. Меҳринисо Турсунова, Адолат Холова, Муҳаббат Усмонова, Нурмамат Абдуллаев, Саид Холиқов, Исматилла Менгниёзов сингари сергайрат ходимларимизнинг астойдил меҳнати туфайли нуроний отахон, мунис онахонларимизга пенсия ҳамда нафақа пуллари ўз вақтида етказиб берилаётир. Тўқсон икки нафар ўзгалар парваришига муҳтож яккаёлғиз киши ҳам алоҳида ҳисобга олинган. Ҳар бир қарияга ойида 9779 сўмлик 9 турдаги озиқ-овқат маҳсулотлари етказиб берилаяпти. Вақтида тиббий кўрикдан ўтказиляпти. Ҳомий ташкилотлар билан алоқамиз мустаҳкам. Нозим Мирзаев номли автосарой, "Сурхон" озиқ-овқат ҳиссадорлик жамияти, "Ҳазарбоғ" ҳамда Ислом Тўраев номли фермер хўжаликлари уюшмалари сингари ўнлаб ташкилот, корхона ва муассаса раҳбарларининг саховатпешалиги туфайли ўн миллион сўмлик ҳомийлик ёрдамига эга бўлдик.

Ана шу маблағ ҳисобидан 22 нафар ногирон киши махсус аравачалар билан таъминланди. Кам таъминланган кишиларга "Балхин", "Зилол", "Ибн Сино" сиҳатгоҳларига бепул йўлланмалар берилди. Ногирон пенсионерларга хизмат кўрсатиш сифатини янада яхшилаш мақсадида протез-ортопедия моллари тайёрлаш бўлимини ташкил этдик. Натижада эшитиш ускуналари, қўлтиқтаёқ, ҳасса каби 10 турга яқин зарур мосламалар шу ернинг ўзида тайёрланаяпти.

Ҳиммати баланд ҳомийларнинг беминнат кўмаги ижтимоий ҳимоя борасидаги ишларимизнинг самарадорлигини янада оширишга хизмат қилиши, тайин.

Ҳалима АЛИМОВА,
Денов тумани Ижтимоий таъминот бўлими мудири.

Хоразм вилояти

Аёл фермерлар фаолиятидан

Айни кунда Янгибозор туманида фаолият кўрсатаётган фермерларнинг 260 нафарини аёллар ташкил этади. Улар эл-юрт фаровонлигига, жамият ривожига салмоқли ҳисса қўша олишларини амалда исботламоқда.

"ХУШНУД"дан хушнудлар бисёр

— Фермер аёлларимиз орасида Солияжон Матёқубованинг ўрни бўлак, — дейди "Маҳалла" жамғармаси туман бўлинмаси раиси Раъногиби Куриёзова. — У ташаббускорлиги, ташкилотчилиги, саховатпешалиги билан эл ўртасида обрў-эътибор топиб, ҳурмат қозониб келяпти. Солияжон фермерликка киришганида "Аёл кишининг бу соҳани бошқариши қийин, эплай олмайди" деганлар ҳам бўлганди. Лекин у ўз қатъияти, тиришқоқлиги ва жонкуярлиги боис фермерлик фаолиятида муваффақиятларга эришиб, ўша гапларнинг хатолигини исботлади.

Солияжон раҳбарлик қилаётган "Хушнуд" фермер хўжалиги дастлаб 3 гектар ерга озуқа экинлари экиб, 10 бош қорамолни парваришлашдан иш бошлаган эди. Бир неча йил орасида экин майдонлари 77 гектарга кенгайди, маҳсулдорлик ошди. Энди бу хўжаликда чорвачилик маҳсулотларидан ташқари, пахта, дон-дун ҳам етиштирилмоқда. Ўтган йили 30 центнердан пахта, 50 центнердан буғдой ҳосили кўтарилди. Ялпи даромад 72 миллион сўмни, соф фойда 25 миллионни ташкил қилди. Пиллачилик ҳам бир миллионга яқин қўшимча даромад келтирди.

Ушбу фермер хўжалигининг Боғолон қишлоғини обод қилишда ҳам ҳиссаси катта бўлмоқда

Қишлоқ йиғини билан келишилган ҳолда ҳудуддаги эҳтиёжманд кишиларга моддий мадад кўрсатиш учун хўжалик ҳисобидан маблағ ажратилмоқда. Маҳалла гузари қурилишида ҳам ҳомийлик ёрдами кўрсатилди. Энг муҳими, ушбу гузар битгач, унинг қошида сутни қайта ишлайдиган корхона қуриш ҳаракати бошланди. Корхона ишга тушгач, ўнлаб янги иш ўринлари очилади. Демак, боғолонликларнинг "Хушнуд"дан хушнудликлари янада ортади.

Абдулла САФОЕВ,
"Mahalla" мухбири.

Ушбу мақолалар Ўзбекистон Мустақил оммавий ахборот воситалари ва ахборот агентликларини қўллаб-қувватлаш жамоатчилик фондининг «Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2005 йил 10 мартдаги ПҚ–24-сонли «Жамиятни демократлаштириш ва янгилаш, мамлакатни модернизация ва ислоҳ этиш дастури тўғрисида»ги Қарори ижросини амалга ошириш жараёни мониторинги» лойиҳаси йўналишида тайёрланди.

"Mahalla" гурунги

Айни кунда дунёда оммавий ахборот воситалари орасида энг оммабопи телевидение саналади. Одамлар ўзларига зарур ахборот ва маълумотларнинг 80 фоизига айнан телевидение орқали эга бўлишар экан. Хуллас, бугунги замондошимиз ҳаётини ва фаолиятини ойнаи жаҳонсиз тасаввур қилиши қийин. Бугуннинг телевидениеси инсонларга нафақат ахборот, хабар етказувчи, балки мулоқотлар, мунозаралар воситаси ҳамдир. Бугун томошабиннинг ҳам телевидение ижодкорларига нисбатан талабчанлиги ортиб бормоқда. Шу боисдан, қолаверса, коммуникация технологияларининг шитоб билан ривожланаётгани туфайли телевидение каналлари ва ижодкорлари ўртасида ижодий рақобат авжига чиққан.

Ўзбекистон телерадиокомпанияси "Тошкент" телеканалида бир йилдан буён "Мулоҳаза учун мавзу" кўрсатуви намойиш этиб келинмоқда. Кўрсатув муаллифи ва бошловчиси, тележурналист Сайёра Абдуллаева билан суҳбатимиз ушбу кўрсатувнинг яратилиши, умуман, ҳар қандай телекўрсатув муваффақиятида журналист салоҳиятининг нечоғлик аҳамиятли экани хусусида кечди.

"МУЛОҲАЗА УЧУН МАВЗУ"да МАҲАЛЛАнинг гаплари

ёки телеэкранда маҳалладошлар ўй-фикрлари

— Сайёра опа, телевидениедаги кўп йиллик фаолиятингиз самараси ўлароқ, "Тақдир", "Санамлар сарвари", "Туҳфа", "Тасанно" каби қизиқарли кўрсатувлар эфир юзини кўрди. Айни кунда телеэфирга узатилаётган "Мулоҳаза учун мавзу" кўрсатуви янада ижтимоийроқ мавзуларни қамраб олмоқда. Айтинг-чи, бу кўрсатув режаси қандай туғилган?

— Аслида ҳар бир кўрсатув негизида инсон тақдири, унинг дарди, қолаверса, жамият ва шахс муносабатлари, кундалик ҳаётдаги муаммолар ва ютуқлар талқини ётиши шарт. Агар ижодкорлар бунга эришолмасалар, кўрсатув томошабинни қизиқириши қийин, унинг таъсир кучи "кесилади". Тележурналист сифатидаги ўн икки йиллик фаолиятим давомида бир нечта кўрсатувларга муаллиф бўлдим, уларнинг ҳар бирида энг аввало, инсоний муносабатларни акс эттиришга интилдим. "Мулоҳаза учун мавзу"нинг яратилишига кейинги йилларда юртимизда фуқаролар йиғинлари, жумладан, маҳалла йиғинларининг ижтимоий-сиёсий мавқеи юксалиб бораётгани туртки бўлди. Биз — кўрсатув ижодкорлари жамиятимиздаги у ёки бу масалани айнан маҳалла-кўйда, маҳалладошлар ўртасида муҳокама этиладиган, халқона кўринишда экранга олиб чиқишга қарор қилдик. Танланган мавзулар ҳам, содда қилиб айтганда, маҳаллабоп бўлгани боис кўрсатувимиз мухлислар орттирди, деб ўйлайман. Масалан, кўрсатувимизда кўтарилган "Тўйлар ҳақида ўйлар", "Қайнона-келин муносабатлари", "Ёшлар ва маънавият", "Савоб", "Ҳунарли хор бўлмас" каби ўнлаб мавзулар юртимиз маҳаллаларининг, маҳалладошларнинг айнан бугунги кундаги ҳаёти, кундалик ташвиш ва қувончлари билан боғлиқдир. Кўрсатувни тайёрлашда, мавзуларни танлашда "Маҳалла" жамғармаси республика бошқаруви мутасаддилари ўз кўмакларини аяшмаяпти.

— Кўрсатувда танланган мавзуга оид саҳна кўринишлари намойиш этилиши ҳам унинг ўзига хослигини таъминлайди. Саҳна кўринишларини актёрлар ижро этишининг сабаби нима? Умуман, кўрсатув иштирокчилари қандай мезон асосида танланади?

— Саҳна кўринишлари намойиш этилишидан асосий мақсадимиз — кўрсатув қатнашчилари, умуман, томошабинларга маълум вазиятда воқеликнинг, шу воқелик иштирокчиларининг хатти-ҳаракатлари четдан қараганда қандай кўринишини намойиш этиш. Демак, бу кўринишлар актёрлик маҳорати билан, ишонарли тарзда ижро этилишини талаб этади. Шу боис актёрларни таклиф этамиз. Бунда танланган мавзунинг жамиятдаги ижтимоий аҳамияти, қолаверса, одамларимиз ҳаёти, ўзаро муносабатларида қай даражада аҳамиятли экани яққолроқ юзага чиқади. Баҳс-мунозарали кўрсатувга саҳна кўринишларини киритиш бироз ноанъанавий бўлса-да, шу билан унинг халқчиллиги ортади. Ҳар ҳолда ҳеч қайси фуқаро ўз ҳаётидаги воқеликни кўрсатув иштирокчилари, телетомошабин олдида акс эттириб бера олмайди.

Кўрсатув иштирокчиларини танланган мавзуга асосланиб таклиф этамиз. Лекин катта фаолият, ҳаёт тажрибасига эга, маҳалла-кўйда обрў-эътиборга сазовор ёши улуғ кишилар доимий иштирокчиларимиз. Сабаби, улардан исталган мавзу юзасидан қимматли фикрлар, ҳаётда ўзини оқлайдиган мулоҳазалар олиш мумкин.

— Бугунги кун телевидениеси, хусусан, мамлакатимиз телевидениеси ислоҳотларни бошдан кечираётган соҳалардан бири. Бу жараёнда кўплаб мусиқий-кўнгилочар дастурлар ҳам юзага келмоқда. Лекин айрим кўрсатувларда бошловчиларнинг ижодий салоҳияти, савияси бироз пастга ўхшаб туюлади. Айниқса, ошхона-кўрсатувларнинг кўплигини айтмайсизми? Аслида, қўшиқчи санъаткорнинг халққа ҳавола этишга арзигулик санъати бор, уни шу санъати учун кадрлайдилар-ку...

— Дарҳақиқат, телевидение фаолиятида катта ижобий ўзгаришлар юз бермоқда, бу ҳукуматимиз, Президентимиз томонидан оммавий ахборот воситалари фаолияти ривожига алоҳида эътибор қаратилаётгани самараси, албатта. Айни кунда Ўзбекистон телевидениесида оммабоп, савияли кўрсатув тайёрлаш учун барча инфотехник имкониятлар мавжуд. ОАВ ходимларига бор салоҳиятларини намоён этиш учун шарт-шароитлар, энг муҳими, ўз фикрини эркин ифода этиш имконияти мавжуд бўлган даврда яшаяпмиз. Ишлайман, изланаман, ижод қиламан деган одамга бошқа яна нима керак?

Телевидениеда ҳамма бошловчилар учун қўйиладиган умумий талаблар бор. Масалан, нутқ равонлиги, камера олдида гавдани тута билиш, тил, маданият соҳасидаги билим каби. Лекин булардан ташқари ҳар бир ижодкорнинг ўз-ўзига қўядиган талаблари ҳам бўлиши шарт, менимча. Бошловчи кўрсатувнинг ягона қаҳрамони эмас. Буни баъзи бошловчилар ҳис қилмайди, шекилли суҳбатдошининг гапини ноўрин бўлиб қўяди, унда бошқаларга нисбатан қандайдир нописандлик сезилиб қолади. Ток-шоуга мутахассислар таклиф этилдими, демак, бошловчининг вазифаси кўрсатув иштирокчилари ва мутахассислар ўртасида танланган мавзуга доир мунозарани йўлга қўйиш, эътиборга молик фикрларга урғу берган ҳолда мавзунинг моҳиятини очишга интилишдан иборат. Шунда телеэкран қаршисидаги томошабин ҳам мавзуга оид фикрлай бошлайди, қизиқиши ўйғонади. Кўрсатув муваффақияти учун телебошловчининг сўзамол бўлишидан кўра, бошқаларни сўзлата билиши муҳимроқ.

Таом тайёрлашга бағишланган кўрсатувлар ҳақида нима ҳам дейиш мумкин? Уларнинг баҳосини томошабин беради-кўяди. Аввало, ойнаи жаҳон орқали қапгир ушлаб кўрингандан, соз билан қўшиқ куйлаб кўрингани мухлислари учун ёқимлироқ эканини санъаткор англаши керак. Қолаверса, таом пишириш учун албатта машҳур санъаткор бўлиш шартми? Хуллас, бу кўрсатувлар бири кетиб-бири келиб турадиган ҳодиса.

— "Мулоҳаза учун мавзу" кўрсатуви унда муҳокама этилган масалалар ечимида қай даражада ҳал қилувчи омил бўлмоқда?

— Бу саволга аниқ ва лўнда жавоб бериш мушкул. Биз кўзлаган мақсад — одамларни ҳар қандай муаммони, у ижтимоий ҳаётга ёки инсонларарО муносабатларга тааллуқли бўладими, энг аввало, муҳокама қилишга, унга чора излашга ундашдан иборат. Қолаверса, кўрсатувни тайёрлаш жараёнида "Истеъмолчилар ҳуқуқини ҳимоя қилиш", "Табиатни муҳофаза қилиш" давлат қўмиталари, Республика Маънавият тарғиботи маркази каби бир қатор мутасадди ташкилотлар билан ҳамкорлик қиляпмиз. Бу ҳам муаммо ечимига йўл очади, деб ўйлайман. Кўрсатувимизга келадиган мактублардан ҳам бизнинг мавзулар замондошларимизни бефарқ қолдирмаётганини билиш мумкин.

Маҳалла ҳаёти нафақат тележурналистлар, балки бошқа йўналишдаги ижодкорлар учун ҳам гўёки очилмаган кўрик, деб ўйлайман. Маҳаллада мулоҳаза учун, таҳлил учун, ҳаттоки юмористик йўналишда изланиш учун ҳам ўнлаб мавзулар топилади. Бугун кўрсатувимиз ижодкорларининг, қолаверса, менинг фикру хаёлим шу мавзуларни янада кўпроқ одамлар эътиборига ҳавола этиш ниятлари билан банд.

Мавлуда ҚОСИМОВА суҳбатлашди.

Билиб қўйган яхши

Инсон табиатнинг бир бўлаги. Шундай экан, унинг организмидаги ўзгаришлар табиат ҳодисалари, қуёш ва ой ҳаракатлари билан мутаносиб равишда кечади. Тиббиёт олимлари бу борада изланишлар олиб бориб, фанга қизиқарли хулосаларни тақдим этмоқдалар.

ИНСОННИНГ "УЙҒОТАР СОАТИ"

У қачон фаол, қачон суст бўлади?

Олимлар инсон табиатини узоқ йиллар ўрганиб одам ақли, танаси ва руҳи туғилгандан токи бу дунёни тарк этгунга қадар уч йўналишдаги туркум сифатлар касб этади, деган хулосага келди. Боиси, кун мобайнида одам уч марта ақлий ва жисмоний имкониятларининг мутаносиблигини ҳис этар экан. Табиийки, унинг кайфияти ҳам шунга боғлиқ бўлади. Олимларнинг фикрича, ҳар бир инсонда фаоллигини оширувчи "уйғотар соат"и бўлиб, у маълум вақтларда жадал ишласа, маълум бир пайтларда дам олади. Ана шундай кузатишларга асосланиб, олимлар инсонларга фойдали бўлган тавсиялар устида ишламоқдалар. Уларнинг тавсиялари айниқса, дам олиш пайтларида кўпроқ самара бериши мумкин. Масалан, ҳайдовчиларнинг тунги соат 2.00 дан эрталабки 4.00 гача рулда ўтиришлари яхши эмас. Бу вақт оралиғида улар гарчи тунги сменада ишлашга кўникма ҳосил қилган бўлсалар-да, кўпинча салбий оқибатларга йўл қўяр эканлар. Чунки худди ана шу пайтда улар организмидаги "уйғотар соат" ўз фаолиятини тўхтатган бўлади. 16.30 дан 18.00 гача мактаб ўқувчиларининг дарс қилишлари учун энг мақбул вақтдир.

Кузатишларимиз асосида чиқарилган қуйидаги хулосалар газетхонларда қизиқиш уйғотса, ажаб эмас:

* Қўли гул кишиларнинг бирон нарсани тузатиб ёки созлаб олишлари учун 15.00 дан 16.00 гача шуғулланишлари фойдалироқдир.

* Одамлар ўртасидаги самимий мулоқот ва қўл қисишлар эрталабки соат 9.00 билан 10.00 орасида кузатилади.

* Эрталаб соат 9.00 атрофида олинган муолажа танага яхши сингишини мутахассислар тавсия этадилар.

* Инсон мушаклари 13.30 да энг фаол бўлади ва шу пайтда спорт билан шуғулланиш яхши натижалар беради.

* Соат 16.00 билан 18.00 орасида енгил ва тўйиб нафас олишга эҳтиёж ортади.

* 17.00 дан 18.00 гача инсонда таъм билиш, эшитиш ва ҳис этиш қобилияти бениҳоя ортади.

* Соат 16.00 билан 18.00 атрофида инсон аъзоларидаги ўсиш энг юқори даражага етади.

* Тунги соат 22.00 га бориб инсон танасида касалликларга қарши курашиш кучаяди.

* Киши соат 20.00 билан 22.00 оралиғида ёлғизликка эҳтиёж сезмайди.

* Аёллар соат 18.00 дан 20.00 гача пардоз билан шуғулланса, анча самарали кечади.

* Чақалоқларнинг аксарияти тунги соат 24.00 билан тонгги 4.00 орасида дунёга келар экан.

* Тонгги соат 4.00 билан 5.00 оралиғида қон босими пасайган бўлиб, киши ухлашга эҳтиёж сезади.

Омонулло АБДУСАЛОМОВ тайёрлади.

Тошкент вилояти

ЯНГИ НАВ УЗУМЛАР — ДАСТУРХОНИМИЗ КЎРКИ БЎЛГАЙ



Қадим боғдорчилик анъаналари сақланиб, авлоддан-авлодга ўтиб келаётгани боис дастурхонимизда саховатли заминимиз неъматлари бисёр. Тошкент туманидаги Шредер номидаги боғдорчилик ва узумчилик селекция институтининг фидойи олимларидан бири, селекционер олим, академик Юрий Михайлович Жавокянц саъй-ҳаракати туфайли институтда юртимизда қадимдан етиштириб келинган серҳосил ва ширин узум навлари кўп йиллардан бери сақланиб келинмоқда. Қолаверса, асосан узумчилик борасида изланган олим бир нечта юртимиз иқлимига мос, дармондориларга бой, янги узум навлари яратувчиси ҳамдир. Бу борада изланишлар олиб бормоқда. Ушбу узум навлари уста боғбонлар ҳамда мутахассислар, қолаверса, табиий иқлим шароитлари синовидан ўтиб, хонадонларимиз, боғу роғларимиз кўркига кўрк қўшмоқда.

Айни кунда Ю.М.Жавокянц бошчилигидаги олимлар гуруҳи Ўзбекистон Президентининг 2006 йил 11 январда имзолаган «Мева-сабзавотчилик ва узумчилик соҳасини ислоҳ қилиш бўйича ташкилий чора-тадбирлар тўғрисида»ги Қарори талабларидан келиб чиқиб, юртимиздаги барча узумзорларни энг яхши навли ток, қаламчалари билан таъминлаш, айни кунда узумчилик билан шуғулланаётган фермер хўжаликлари раҳбарларига узумчилик борасидаги қимматли маслаҳатларни етказиш борасида изланмоқда.

СУРАТДА: *академик олим ўзи етиштирган янги нав узумларни кўздан кечирмоқда.*

Р.ГАЛИЕВ олган сурат.

Ихтирочи аждодларимиз

Рашид БОЙТИЛЛАЕВ

КУРРАИ МУЖАССАМА

ЁХУД XIX АСР ГЛОБУСИ

Уни таниқли ватандошимиз, ўлкашунос олим Ҳожи Юсуф Мирфаёз ўғли яратган эди

Ҳожи Юсуф Мирфаёз ўғли 1842 йили Самарқанд вилоятига қарашли Хўжанд шаҳрининг Оқлиғон маҳалласида оддий бир ҳунарманд оиласида таваллуд топган. 6-7 ёшларида Мулла Саид Карим исми муаллимнинг қўлида ўқий бошлайди ва қисқа муддат ичида савод чиқаради.

Шунингдек, бу даврда ер, осмон, юлдуз ва қуёш каби самовий жисмлар ҳаракати ва ҳолатини ўрганишга ҳавас қила бошлайди. У устозидан баъзи байтлар маъносини сўраб, "Ҳали сен ёш, бунинг маъносини билишга ошиқма", деган жавобни оларди. Бола эса "ўқишдан мақсад билмоқ бўлса керак" деб жавоб қайтаради. У устозининг осмон етти қаватли қаттиқ жисмлардан иборат бўлиб, унинг биринчи қавати кумушдан ва бошқалари эса ўзга нарсалардан яратилган, қуёш ана шу қаватларнинг тўртинчисида туради, деган гапларини эшитиб, ҳайратда қолади. Сўнгра бундай ривоятларга ишона олмаганидан, дарҳол ёнида турган мис ҳокандозни қўлига олиб, чироққа қарши тутади ва: "Ҳокандоздан чироқнинг шуъласи ўтолмаяпти-ю, қуёшнинг нури кумуш осмондан қандай ўтиб келаркан?", дейди. Устоз ва суҳбатдошлари боланинг бундай "шак-шубҳа"ларига қарши туриб, уни қойийди. Бошқа бир куни яна шундай масалалардан гап чиқиб, бола ўртага савол ташлайди. Бу даъфа юлдузларнинг нима учун яратилгани ҳақида сўрар экан, устози: "Юлдузлар тош парчасидек нарсалар бўлиб, шайтонларга отиш учун яратилганини" гапиради. Бола, бунга яна таажжуб қилиб: "бу ҳолда юлдузлар кундан-кун камайиб қолиши керак эди. Бундай бўлса, юлдузлар ҳам туғар экан-да" деб яна шубҳаланади.

Дарҳақиқат, шогирд билан устоз ўртасидаги юқоридаги савол-жавоблардан боланинг илм-фанга айниқса, коинот сирларини ўрганишга бўлган интилишлари ва тиришқоқлиги кўриниб турибди. Бола ўзини ўзи тарбия қилишга, адабиётларни синчиклаб ўқиб-ўрганишга, ўз саволига жавоб топишга ҳаракат қила бошлади. Лекин бу билан ҳам ўз мақсадига етолмаслигини англаб, чет элларга саёҳат қилишга ва шу орқали анчамунча нарсаларни ўрганиб қайтишга қарор қилди.

Шу мақсад билан Ҳожи Юсуф Хўжанддан бир дўсти билан Оренбургга ва ундан поезд билан Одессагача ва сўнгра пароходда Истамбулга йўл олади. Ҳожи Юсуф бу саёҳатида Миср, Арабистон, Греция́да бўлиб, ҳар бир шаҳарнинг маданий марказларини диққат билан кўздан кечириб, илм-фан масканлари, кутубхоналар, музей ва мадрасаларда араб, форс ва юнон тилларида ёзилган китобларни кўздан кечиради. Ҳожи Юсуф Мисрга бориб, у ердаги олий мактабга ўқишга киради ва араб, форс, юнон тилларида ёзилган китобларни ўқиб-ўрганади. Ҳожи Юсуфнинг иккинчи саёҳати 1875 йилда бошланиб, у Москва-Петербург-Одесса-Туркия-Сурия-Марокаш-Испания-Франция-Италия-Греция-Туркия йўналиши бўйлаб юрган ва Эрон орқали она юрти Хўжандга қайтган. Шундан сўнг, география, астрономия фанларини янада чуқурроқ ўрганишга киришади.

Ҳожи Юсуф ўз билимини ошириш учун эски ўзбек тилини қунт билан ўрганди, Ўрта Осиё сайёҳлари ёзиб қолдирган китобларни бирма-бир ўқиб чиқди. Тинимсиз ўқиб-ўрганиш ҳамда бир неча йиллар давомида олиб борган кузатишлари Ҳожи Юсуфнинг ер, осмон, юлдуз ва қуёш ҳақидаги фикрларини умумлаштирадиган курраи мужассама, яъни глобусни ясашига туртки бўлди. Тарихий манбаларда ёзилишича, XI асрда Абу Райҳон Беруний ва XV асрда Мирзо Улуғбек томонидан глобус ясалганлиги маълум. Улардан кейин, яъни XIX асрнинг сўнгги йилларида хўжандлик ўлкашунос, географик олим Ҳожи Юсуф Мирфаёзов томонидан ажойиб бир глобус яратилди. Ҳожи Юсуф олдинлари кичик ҳажмдаги глобусларни ясаб, халқ орасида тез танилган бўлса, кейинроқ йирик глобуслар ясаб машҳур бўлган. Глобус елимланган қоғоз қипиқдан ясалиб, сиртига зар қопланган, сўнгра қуюқ сариқ бўёқ берилган.

Глобусда қуруқлик ва оролларнинг чегаралари йирик ёзувларда ўйиб ёзилган. Африка қитъаси, Мадагаскар ороли тўқ яшил рангга бўялган. Бошқа қитъалар қизил рангда, номларнинг кўпи қора рангда, баъзилари эса қизил рангда эди. Глобусдаги ёзувларнинг деярли 90 фоизи ўзбек тилида, қолган қисми тожик тилида ёзилган. География фанлари доктори, профессор марҳум Ҳ.Ҳасановнинг ёзишича, глобуснинг бўйи остидаги тиргак пояси билан 117 см, шарнинг айланаси эса 160 см.га тенг. Шар градус турларига бўлинган, меридиан ва параллел чизиқлар қора рангда, бир тропик чизиқлари ва қутбий доиралари қизил чизиқда аниқ кўрсатилган. Шарда оролар, қуруқлик, қитъалар чегаралари ўзбек ва тожик тилларида жуда аниқ қилиб ёзилган ва бу глобуснинг қимматли маълумотнома эканлигидан гувоҳлик беради.

Ўша вақтда чиқиб турган "Таржимон" газетасининг 1899 йил 14 февраль сонида "Ҳожи Юсуф" сарлавҳали бир мақолада шундай сўзлар ёзилган: "Ҳожи Юсуф Самарқанд вилоятининг Хўжанд уезди сув маъмуларидан бир шуҳратли шахсдир. У киши Хўжабақирғон суғориш иншоотини йўлга қўйишда маъмур бўлган. Ҳожи Юсуф илм-фанга ҳавасманд бўлиб, хусусан, жўғрофия ва ҳайъат (астрономия) илмларига ҳам қизиққан.

Жўғрофиядан шу қадар маълумот орттирганки, натижада ер курраси ясагандир. Унда дунё қитъалари, океанлар, тоғлар, денгиз ва дарёлар яхшигина тасвирланган. Ҳожи Юсуф ана шу илмий маҳсулини Самарқанд волости Мутуфи графга ҳадя этган. Ҳожи Юсуф ўз шаҳрида расадхона қуриш фикридадир".

Ҳожи Юсуф ясаган курраи мужассама (глобус) Самарқанд вилояти ва Туркистон ўлкаси (Тошкент)да 1886 ва 1890 йилларда ташкил этилган ҳунармандчилик ва қишлоқ хўжалиги кўргазмаларида намойиш этилиб, кўргазманинг кумуш ва бронза нишонлари ҳамда фахрий ёрлиқлари билан тақдирланганлиги архив ҳужжатларида қайд этилган.

Ҳожи Юсуф кўп йиллар мироблик билан ҳам шуғулланиб, ариқ ва каналлар қазиб, тўғонлар қуриб, экинзорларни оби-ҳаёт билан таъминлаган ва бу хизматлари учун нишонлар билан тақдирланган. Кўп қиррали олим Ҳожи Юсуф табиб ҳам эди. У Ибн Сино, Розий, табиб Юсуфий асарлари ҳамда юнон, ҳинд ва рус тиббиётига доир адабиётларни ўқиб, улардан самарали фойдаланган.

Ҳожи Юсуф "Ҳожи" кейинроқ эса "Ҳайъатий" тахаллуси билан ўзбекча ва тожикча шеърлар ёзган, ўзбек ва тожик шоирлари, маърифатпарвар арбоблари билан дўстлашган, улар билан тарих, адабиёт, фалакиёт илмидан баҳслар ва бедилхонлик қилган.

Ҳожи Юсуф мусиқадан ҳам яхши хабардор бўлган, танбур ва дутор ясаб чалган. Ҳожи Юсуфнинг кўп йиллик илмий изланишлари натижасида тайёрлаган бир нечта катта-кичик глобуслар, Самарқанд-Хўжанд ўртасидаги тоғ йўлларининг чизма харитаси ҳам бизгача сақланмаган. Фақат Самарқанд ва Тошкент кўргазмасида намойиш этилиб, юксак тақдирланган глобуси ҳозирда Самарқанддаги Ўзбекистон халқлари маданияти тарихи давлат музейида сақланмоқда.

Ўз даврининг таниқли ўлкашунос олими, дунё кезган сайёҳ, энг муҳими, XIX аср глобусини ихтиро қилган маърифатпарвари Ҳожи Юсуф Мирфаёзов 1924 йили 82 ёшида вафот этган.

ДИҚҚАТ, ТАНЛОВ!

Мамлакатимиздаги ёш истеъдод эгаларини кашф этиш, уларни қўллаб-қувватлаш ва рағбатлантириш мақсадида "Ўзбекистон маданияти ва санъати форуми" жамғармаси ва "Камолот" ёшлар ижтимоий ҳаракати Марказий Кенгаши томонидан анъанавий ўтказиб келинаётган "Келажак овози" танловини ёшлар орасида кенг тарғиб қилиш, унинг иштирокчилари ва ғолиблари ютуқларини оммалаштириш мақсадида Ўзбекистон мустақил босма оммавий ахборот воситалари ва ахборот агентликларини қўллаб-қувватлаш ва ривожлантириш жамоат фонди босма оммавий ахборот воситалари ва интернет тармоғи, ахборот агентликлари журналистлари ўртасида танлов эълон қилади.

Танлов шартлари

Танловга "Келажак овози" танлови жараёнлари, иштирокчилари ва ғолиблари фаолияти, эришган ютуқларини ёритувчи ва 2007 йилнинг 1 мартидан 2008 йилнинг 1 январигача бўлган муддат давомида газета ва журналларда, интернет нашрларда берилган материаллар 2008 йилнинг 10 январига қадар қабул қилинади.

Танловга тақдим этилган материаллар сони 6 тадан кам бўлмаслиги ва даврий нашрларнинг асл нусхаси ёки кўчирма нусхада топширилиши лозим.

Тақдим этилган материаллар ўзбек ёки рус тилида тайёрланган бўлиши керак:

Ишга босма нашр тўғрисида маълумотлар — нашр номи, ихтисослашуви, адади, тарқатилиш ҳудуди, манзили.

Муаллиф тўғрисида — фамилияси, исми, профессионал фаолияти тўғрисида қисқача маълумот, паспортга оид маълумотлар илова қилинади.

Танловга топширилган ижодий ишлар тақриз қилинмайди ва қайтарилмайди.

Танлов номинациялари

Танлов икки номинация бўйича ўтказилади:

— "Келажак овози" танловини ёритиш бўйича матбуотда чоп этилган энг яхши материаллар тўплами

— "Келажак овози" танловини ёритиш бўйича интернетда берилган энг яхши материаллар тўплами

Ғолиблар ҳар икки номинация бўйича қуйидаги тартибда мукофотланади:

— **битта 1-ўрин**
— **иккита 2-ўрин**
— **учта 3-ўрин**

Ғолиблар диплом ва қимматли совғалар билан тақдирланадилар.

Материаллар "Келажак овози" республика танловини ёритишга" деган қайд билан танлов матбуотда эълон қилинган кундан бошлаб Ўзбекистон мустақил босма оммавий ахборот воситалари ва ахборот агентликларини қўллаб-қувватлаш ва ривожлантириш жамоат фондига қуйидаги манзилга жўнатилади: 100129, Тошкент шаҳри Навоий кўчаси 30-уй, 3-қават, 5-хона. Телефон/факс: 144-12-51, 144-15-96, **www.mmf.uz**, e-mail: **mmf@uzpak.uz.**

Ташкилий қўмита

Тошкент шаҳар Собир Раҳимов туманидаги "DAVR STAR" МЧЖ ўз Низом жамғармасини 335 732 035 сўмдан 113 652 000 сўмгача камайтирмоқда. Тел: 381-66-70

Тошкент Молия институти томонидан 2001 йилда Аллаяров Шерзод Садуллаевич номига берилган В № 050476 рақамли бакалавр дипломи йўқолганлиги сабабли бекор ҳисобланади.

Тошкент шаҳар Ҳамза туманидаги "UCHQUN SAVDO" хусусий фирмаси ҳуқуқий мақомини "UCHQUN SAVDO" хусусий корхонасига ўзгартирмоқда. Даъволар 1 ой давомида қабул қилинади. Тел: 297-49-69

ООО "AVTOSAN INVEST PROEKT" (код по ОКПО 15064135) М.Улугбекского р-на г.Ташкента ликвидируется. Претензии принимаются в течении 2-х месяцев со дня публикации по адресу: М.Улугбекский р-н, ул. Х.Абдуллаева 30, тел. 360-71-68

Жиззах вилояти Зомин тумани ИИБ томонидан 1999 йил 19 майда "Қишлоқ хўжалик маҳсулотларини, жумладан ковул турини сотиш учун" Турдибоев Бахром Сатторович номига берилган ZMT 000517 (реестр.рақами 1561) рақамли гувоҳнома йўқолганлиги сабабли бекор ҳисобланади.

МУНАЖЖИМЛАР ТАЖБИРИ

ҚЎЙ (21.03-21.04)

Ҳафта давомида ишда анча фаоллашасиз. Молиявий масалаларда омад кулиб боқади. Шанба куни дўстларингиз билан учрашишингиз мумкин. Якшанбада эса ўз билимингизни оширишга эътибор қаратинг.

СИГИР(22.04-20.05)

Ушбу ҳафтада муҳим ҳужжатларни расмийлаштиришда яхши натижага эришишингиз мумкин. Чоршанбадан янги лойиҳа устида иш бошланг ёки катта даромадли иш топишга ҳаракат қилинг.

ЭГИЗАКЛАР (22.05-21.06)

Шу кунларда дўстларингиздан қарз олмаганингиз маъқул. Пайшанбада сафарга чиқиш учун қулай имконият туғилади. Дам олиш кунлари рўзғор ташвишлари билан банд бўласиз.

ҚИСҚИЧБАҚА (22.06-22.07)

Ҳафтанинг дастлабки кунларида ўз режаларингизни амалга оширишга ошиқманг. Чоршанба харид учун жуда қулай, аммо исрофгарчиликка йўл қўйманг.

АРСЛОН (23.07-22.08)

Айни кунларда бироз тушкун кайфиятда бўлишингиз эҳтимоли бор. Молиявий масалаларни ҳафта ўртасида ҳал қилганингиз маъқул. Жумада соғлиғингизни тиклаш учун имконият туғилади.

ПАРИЗОД(23.08-22.09)

Ҳафтанинг биринчи ярмида сиздан ҳар қандай шароитга мослашувчан бўлиш талаб этилади. Жума ва шанбада яқинларингиз орасида кўнгилхираликлар юзага келиши мумкин.

ТАРОЗИ (23.09-22.10)

Шу кунларда ўйлаган ишларингизнинг ҳаммаси ҳам кўнгилдагидек якун топмаслиги мумкин. Жумада вазият анча яхшиланади. Ишингиз ва шахсий ҳаётингизга ижобий ўзгаришлар олиб кирадиган янги таниш орттирасиз.

ЧАЁН (23.10-22.11)

Ушбу ҳафтада муҳим масалаларнинг ечимини топишда ташаббускорлик кўрсатинг. Пайшанба куни савдо-сотиқ ишлари билан шуғулланмаганингиз, барча учрашувларни кейинроққа қолдирганингиз маъқул.

ЎҚОТАР (23.11-21.12)

Ҳафта давомида ташкилотчилик маҳоратингизни намоён қилиш учун қулай имконият туғилади. Шунингдек, қисқа муддатли, лекин жуда самарали сафарга чиқишингиз эҳтимоли бор.

ТОҒ ЭЧКИСИ(22.12-19.01)

Айни кунларда сиз кўпроқ хонадонингизга ўзгартириш киритиш билан, ҳафта охирида эса майда-чуйда ишлар билан банд бўласиз. Якшанбада оилавий муаммоларни ҳал қилиб олинг.

ҚОВҒА (20.01-18.02)

Ушбу ҳафтада дам олишингиз ва ижод билан шуғулланишингиз учун кўпроқ имкониятга эга бўласиз. чоршанба ва пайшанба кунлари иқтисодий масалаларни муҳокама қилмасликка ҳаракат қилинг.

БАЛИК (19.02-20.03)

Шу кунларда бошлиғингиз сизнинг янги ғояларингизни қўллаб-қувватлайди. Ҳафтанинг иккинчи ярмида табиат қўйнида дам олинг ёки спорт билан шуғулланганинг.

ЗУМРАДНИНГ ДЎППИСИ...

У болакайларимиз учун қизил қалпоқчадан қадрлироқ эмасми?

Яқинда бир болалар боғчасига бордим. Эшикдан кирар эканман, бино пештоқларига илиб қўйилган расмларга кўзим тушди. Саёҳатчи Бўйирсоқ, Турна билан Тулки, Қизил қалпоқча, Шолиқ эртаги, Бўри билан эчки болалари, Тилла балиқча каби эртак қаҳрамонларининг сурати турган қаторнинг охирида Зумрад ва Қиммат эртаги асосида ишланган расм ҳам осиб қўйилган.

Рости, бу каби манзарани бошқа болалар масканларида ҳам учратиш мумкин. Хўш, ушбу ҳолат қандай эътирозли фикрларни уйғотади? Аслида, умуминсоний ғоялар ташвиқ этилган барча адабиётлар мутолааси бола дунёқарашини ўстиришга хизмат қилиши бор гап. Лекин бутун маъно-моҳияти билан ўзимизгагина хос феъл-атворни ўша "Кенжа Ботир", "Ота васияти", "Зумрад ва Қиммат" эртакларидек, бошқа бирор асар етказиб бера олмайди. Ахир, халқимизда жуда мазмундор, халқона услубдаги қадимий эртакларимиз бор. Ботирлик, адолат туйғуларини ёшлар онгига сингдириб бера оладиган миллий эртак қаҳрамонларимиз ҳам жуда кўп. Энди-энди сал оқ-қорани таниб, мушоҳада қилиб кўрсам, бу ҳам шўро мафкурасининг бир услуби экан-да! Лекин бу жаҳоний адабиётлардан воз кечиш керак, дегани эмас. Негаки, Ханс Кристиан Андерсон, И.А.Крылов, А.С.Пушкин каби улуғ адиблар мероси аллақачон умуминсоний мулкка, жаҳон болалар адабиёти дурдонасига айланган, айни ҳақиқат. Бинобарин, қардош халқлар миллий эртакларининг ҳам фойдали жиҳатлари кўп.

Мутахассисларнинг аниқлашича, 6 ёшдан 12 ёшгача бўлган даврда инсон хотирасига муҳрланган воқеа-ҳодисаларнинг 90 фоизи бир умр ёдда қолар экан. Демак, болалар дунёқарашига таъсир этувчи омиллар хусусида жиддийроқ ўйлаб кўрсак ёмон бўлмасди.

Мулоҳаза

Илм аҳли, хусусан социологлар инсон умрининг бу босқичини "ижтимоийлашув" дейдилар. "Ижтимоийлашув" сўзининг луғавий маъноси жамият ва унинг қонун-қоидаларига мослашиш демакдир. Бу жараённи кўплаб олимлар тадқиқ этишган.

Австриялик руҳшунос олим Зигмунд Фрейд мазкур босқичнинг руҳий таъсирини ўрганган бўлса, англиялик Энтони Гидденс аниқ воқеалар таҳлили асосида хулоса чиқаради. Улар фикрича, эндигина онги шаклланаётган бола даставвал кўрганлари асосида мулоҳаза юритади ва ҳар бир нарсанинг моҳиятини билишга қизиқади, ён-атрофидаги кишилардан сўраб-суриштириб бўлса-да, ўзи учун ғайритабиий кўринган, эътиборини тортган нарсалар ҳақида тўлароқ билиб олгиси келади. Билиб олгач, ўша сўзлар бир умр ёдида сақланади ва келгуси ҳаёти учун замин бўлади. Масаланинг нозик жиҳати ҳам мана шунда...

Қолаверса, қайси тилда, қайси халқда яратилган бўлмасин, бизга маълуму машҳур барча эртаклар ёш авлод камолотига салбий таъсир кўрсатмайди. Аммо биз ўртага ташлаётган мулоҳазанинг моҳияти шундай: бугун Ўзбекистон заминида камол топаётган, Ўзбекистон тупроғини эртага Ватан дея эъзозлайдиган фарзандларимиз қандайдир номаълум қайинзорда маймунжон териб юриб, йиртқич айиқни ер тишлатган эртак қаҳрамонидан аввал, тасаввури етадиган дала-даштда от чоптирган ботир ўғлонга ҳавас қилсин. Қолаверса, бугун эртак қаҳрамонига тақлидан қизил қалпоқча кийишга ишқи тушган қизалоқ, даставвал Зумрад тимсолида ўзбекнинг миллий дўпписини ҳам қадрлаши керак эмасмикан?

Беҳзод ҚОБУЛОВ

Mahalla

Бош муҳаррир: Чори ЛАТИПОВ

Таҳрир ҳайъати:
Анвар АҲМЕДОВ, Акмал САИДОВ, Ниғматилла АБДУЛЛАЕВ, Бобур АЛИМОВ, Рустам ҚОСИМОВ, Раҳмон ҚЎЧҚОР, Таъна́берди ҚУРБОНОВ, Фаррух БЎТАЕВ (бош муҳаррир ўринбосари), Мавлуда ҚОСИМОВА (масъул котиб), Бахтиёр РИЗАЕВ, Шухрат РИЗАЕВ, Беҳбуд ЖУМАЕВ.

Тахририят ўзи буюртма бермаган ҳолда таҳририятга келган мақолалардан, хат, хабарлардан газета йўналишини ва уларнинг газета талабига жавоб беришини инобатга олган ҳолда имкон доирасида фойдаланади. Тахририят бундай мақолалардан газета саҳифасида фойдаланмаганлиги учун ҳисобдор эмас.
Таҳририятга келган шикоят мактубларидан фақат таҳририят нуқтаи назари бўйича фойдаланилади. Таҳририят унга ечим ясаш масъулиятига эга эмас.
Газета таргиботи учун ҳажми 15 см квадратгача бўлган реклама, таъзия ва эълонлар бепул эълон қилинади.

Газета таҳририят компьютерларида терилди ва саҳифаланди, офсет усулида босилди. А-2, 2 босма тобоқ.
«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонасида босилди.
Тошкент, Матбуотчилар кўчаси 32.

Телефонлар:
Қабулхона — 136-53-93
Тел/факс: — 133-44-25
Масъул котиб: 136-53-75
Котибият — 136-55-69
Хатлар бўлими: 136-57-62

2007 йил 18 апрель
16 (566)

16050 нусхада чоп этилди. Буюртма Г-320 Топширилди — 22.50
2 3 4 5 6